Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН. 12 июль 1972 йил, чоршанба ◆ № 161 (15.332). ◆ Баҳоси 2 тийин.

ОРБИТАДА—«КОСМОС-500»

ТАСС АХБОРОТИ

1972 йил 10 июлда Совет Иттифоқида Ернинг навбатдаги сунъий йўлдоши «Космос-500» учирилди. Йўлдошга ўрнатилган илмий аппаратлар 1962 йил 16 мартда ТАСС эълон қилган программага мувофиқ космик фазони тадқиқ этишни давом эттиради. Йўлдош чиқариб қўйилган орбитанинг параметрлари қуйидагича:

— Ер атрофини айланиб чиқишнинг дастлабки даври 95,2 минут;

— Орбитанинг Ер юзасидан баланд нуқтаси (апогейда) — 554 километр;

— Орбитанинг Ер юзасига энг яқин нуқтаси (перегейда) — 509 километр;

— орбитанинг оғиши — 74 градус.

Йўлдошда илмий аппаратлардан ташқари, орбита элементларини аниқ ўлчайдиган радио система, асбоблар ва илмий аппаратларнинг иши тўғрисидаги маълумотларни Ерга юбориб турадиган радиотелеметрик система мавжуд.

Йўлдошга ўрнатилган аппаратлар нормал ишлаб турибди.

Координациялаш-ҳисоблаш маркази йўлдошдан олинаётган маълумотларни ишлаб чиқмоқда.

КЎЧМА ҚИЗИЛ БАЙРОҚЛАР МУБОРАК

САБЗАВОТ ТАЙЁРЛАШ ИЛҒОРЛАРИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети давлатга сабзавот ва картошка сотиш бўйича областлар, районлар, колхозлар ва совхозлар ўртасидаги социалистик мусобақанинг 1972 йил 1 июлгача бўлган якунини қараб чиқиб, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг кўчма Қизил байроқларини қуйидагиларга беришга қарор қилдилар.

Сурхондарё областига (область партия комитетининг секретари **Н. Муродов,** область ижроия комитетининг раиси **А. Каримов,** область қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи **Х. Сайдаҳмедов,** совхозлар трестининг директори **Ч. Кувондиқов,** қишлоқ хўжалик маҳсулотлари харид қилиш ва сифат бўйича давлат бош инспектори **А. Сориев** ўртоқлар). Бу область сабзавот тайёрлаш планини 38,6 процент, шу жумладан карамни 108, пиёзни 1,9, бодрингни 12, помидорни 5,4, сабзини 18, ош лавлагини 3,2, бошқа хил сабзавотлар тайёрлаш планини 30,7 процент, картошка тайёрлаш планини эса 4,1 процент бажарди.

Тошкент областининг **Калинин районига** (район партия комитетининг секретари **М. Камолов,** район ижроия комитетининг раиси **Б. Тошхўжаев,** район ижроия комитети қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи **И. Асадов,** қишлоқ хўжалик маҳсулотлари харид қилиш ва сифат бўйича давлат бош инспектори **Э. Халилов** ўртоқлар). Бу район сабзавот тайёрлаш планини 17,2 процент, шу жумладан карамни 32,5, пиёзни 33,9, бодрингни 39, помидорни 0,6, сабзини 3,9, ош лавлагини 6, бошқа хил сабзавотлар тайёрлаш планини 43,7 процент, картошка тайёрлаш планини эса 22,1 процент бажарди.

Фарғона область Ўзбекистон районидаги **Муқимий номли колхозга** (колхоз раиси **У. Иброҳимов,** партия комитетининг секретари **С. Сирожиддинов** ўртоқлар). Бу колхоз сабзавот топшириш планини 22,7 процент, шу жумладан карамни 114, пиёзни 32, помидорни 2,3, бодрингни 6, бошқа хил сабзавотлар топшириш планини 30 процент бажарди.

Тошкент область Калинин районидаги **«Партия XXI съезди» совхозига** (совхоз директори **Р. Қамбаров,** партия ташкилотининг секретари **А. Мирзоҳидов,** ишчилар комитетининг раиси **М. Абдуллаев** ўртоқлар). Бу совхоз давлатга сабзавот топшириш планини 32 процент, шу жумладан карамни 26,4, пиёзни 81,5, помидорни 3, бодрингни 60, бошқа хил сабзавотлар тайёрлаш планини 82,3 процент, картошка топшириш планини эса 100 процент бажарди.

Бухоро область Ромитан районидаги **«Ромитан» совхозига** (совхоз директори **У. Исматов,** партия ташкилотининг секретари **У. Рамазонов,** ишчилар комитетининг раиси **Т. Саидов** ўртоқлар). Бу совхоз давлатга сабзавот топшириш планини 46 процент, шу жумладан карамни 68, пиёзни 140, бодрингни 48, бошқа хил сабзавотлар топшириш планини 92 процент бажарди.

ҒЎЗА ПАРВАРИШИГА—ЗАРБДОР СУРЪАТ

ПАХТАКОР ЎРТОҚЛАР!

✦ ЁЗ ЧИЛЛАСИ ДАВОМ ЭТЯПТИ. ҒЎЗАЛАРНИ КЕЧА-КУНДУЗ ЧИЛЛА СУВИГА ҚОНДИРАЙЛИК. БИР ЛИТР СУВНИНГ ИСРОФ БЎЛИШИГА ЙЎЛ ҚЎЙМАЙЛИК. СУВЧИЛАР ЭГАТЛАРНИ ОРАЛАБ ЮРСИН, БИРОР УЯДАГИ ҒЎЗАНИ ЧАНҚАТИБ ҚЎЙМАСИН ЁКИ ҒОВЛАТИБ ЮБОРМАСИН. СУВНИНГ ЙЎЛЛАР, ЗОВУРЛАР, КЕРАКСИЗ ЕРЛАРГА ОҚИШИНИНГ ОЛДИНИ ОЛСИН. КУНДУЗИ 0,75 ГЕКТАР, ТУНДА 0,50 ГЕКТАР МАЙДОНДАГИ ҒЎЗАЛАРНИ ЧИЛЛА СУВИГА МИРИҚТИРАЁТГАН СУВЧИЛАРНИНГ ИШИДАН ЎРНАК ОЛАЙЛИК.

✦ МЕХАНИЗАТОРЛАР ЭНГ МАСЪУЛИЯТЛИ ДАВРГА КИРДИ. СУВДАН КЕЙИН ЕР ЕТИЛИШИ БИЛАН ДАРҲОЛ ЧУҚУР КУЛЬТИВАЦИЯ ЎТКАЗИБ, НАМНИ ТЎЛА САҚЛАБ ҚОЛАЙЛИК. УНИВЕРСАЛЛАРНИНГ ИШ ОРГАНЛАРИГА ТЎСИҚЛАР ЎРНАТИШ ФУРСАТИ ЕТДИ. УЗУНАСИ ВА КЎНДАЛАНГИГА КУЛЬТИВАЦИЯ ЎТКАЗИШНИ АВЖ ОЛДИРИШ КЕРАК. БИР ҲАФТА—ЎН КУН ИЧИДА ҒЎЗАЛАРГА ЙИЛЛИК ЎҒИТ НОРМАСИНИ БЕРИБ БЎЛИШ ЗАРУР.

✦ БУТУН КУЧ, ТЕХНИКА ВОСИТАЛАРИНИ ИШГА СОЛИБ БЕГОНА ЎТЛАР, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ЗАРАРКУНАНДАЛАРИНИ ҚИРИБ ТАШЛАШ КЕРАК. ИЮЛЬ ОЙИНИНГ ОХИРИГАЧА ЎСИШ, РИВОЖЛАНИШДАН ОРҚАДА ҚОЛАЁТГАН ҒЎЗАЛАРГА ҚЎШИМЧА БИР МАРТА КОМПЛЕКС ПАРВАРИШ БЕРАЙЛИК.

✦ ИЮЛЬ ОЙИДА ҒЎЗАЛАРНИНГ ЕППАСИГА БЎЛИҚ ҚЎСАКЛАР ЕТИШТИРИШИГА ЭРИШАЙЛИК!

Сирдарё области. Жиззах районидаги «Москва» колхозининг Нажим Алижонов бошлиқ бригада пахтакорлари СССР ташкил этилганлигининг 50 йиллиги байрами шарафига 80 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 40 центнердан «оқ олтин» хирмони кўтариш учун бел боғлаганлар. Юксак мажбуриятга яраша меҳнат қилаётган бригада азаматлари серавж ғўзаларни тўр тинчи парваришдан чиқардилар. Суратда илғор бригада бошлиғи Н. Алижонов ва у бошлиқ бригада далаларида ғўза парвариши.

А. Тўраев фотолари.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИШЛАРИ КУНДАЛИГИ

МУҲИМ ДАВР

Республикамиз пахтакорлари ғўза парваришини кун сайин кучайтирмоқдалар. Июнь ойи ичида ғўзалар 3,2 марта культивация қилинди. 1,3 марта озиқлантирилди, 0,9 марта суғорилди ва 1,3 марта чопиқ қилинди.

Сурхондарё, Андижон, Наманган, Тошкент областларининг ва бошқа областларнинг бир қатор районларидаги кўпгина хўжалик деҳқонлари ғўза қатор ораларини тез суръатлар билан ва сифатли парвариш қилаётирлар. Улар ғўзани группа усулида суғоришни кенг қўлланяптилар, суғоришни ғўзага ишлов бериш ва озиқлантириш билан бирга қўшиб олиб боряптилар. Натижада ана шу хўжаликларда катта-катта майдонларда ғўза нормал ўсиб ривожланмоқда. Бу эса социалистик мажбуриятларни амалга ошириш учун курашда катта муваффақиятлар қўлга киритилишидан далолат бериб турибди.

Бироқ ғўза парвариши суст бораётган, ғўзалар қаровсиз қолдирилаётган хўжаликлар ҳам оз эмас.

Шовот районидаги «Ўзбекистон», «Партия XXII съезди», «Ленинград», Урганч районидаги «Партия XIX съезди», Нариманов номли, Карл Маркс номли, Янгиариқ районидаги Киров номли колхозларда кўпгина майдонлардаги ғўзаларни бегона ўтлар босиб кетган, бу хўжаликлар суғоришни ўтказишга шошилмаётирлар. Сирдарё, Самарқанд, Бухоро ва Қашқадарё областларидаги кўпгина хўжаликлар ғўзани суғоришни кечиктириб юбормоқдалар. Қорақалпоғистон АССР ва Фарғона областида ғўзани озиқлантириш суст боряпти.

«Оқ олтин» йиғим-теримига бугунданоқ тайёргарлик кўра бошлаш керак. Сурхондарё ва Тошкент областлари хўжаликларида, Жомбой, Нарпай, Урганч, Свердлов ва Қоракўл районлари хўжаликларида пахта териш техникасини тайёрлаш яхши уюштирилган. Боғот, Қўшкўпир, Бухоро, Навоий ва Пастдарғом районларида бу иш ниҳоятда қониқарсиз олиб борилмоқда. Мазкур районларда терим техникаси ремонти 5 процентдан 20 процентгача адо этилган.

Қишлоқ хўжалик зараркунандалари ғўзанинг ашаддий душманидир. Бухоро, Сурхондарё, Самарқанд областлари ва Қорақалпоғистон АССРнинг пахта далаларида карадринанинг йирик уялари, Фарғона водийсида, Сурхондарё, Қашқадарё ва Тошкент областларида кўсак қуртининг кўп тарқалгани аниқланди. Кўпгина хўжаликларнинг ғўзаларига ўргимчак кана тушган.

Мутахассисларнинг маълумотларига қараганда июль ойида карадрина, кўсак қурти ва ўргимчак кананинг кўпайиши кутилади.

Ҳар бир хўжаликда қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши курашни илмий асосда ташкил этиш зарур. Бу мақсад учун мавжуд воситалардан ҳамда техникадан фойдаланмоқ керак.

Ҳар бир пайкалда пахтадан юқори ҳосил етиштирайлик! Июль ойида ғўза парвариши билан боғлиқ бўлган барча ишлар ана шу шиор остида амалга оширилиши керак.

ЎЗАРО ИҚТИСОДИЙ ЁРДАМ КЕНГАШИ XXVI СЕССИЯСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашининг XXVI сессияси 10 июлда Москвада ўз ишини бошлади.

Сессия ишида Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг — Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, БХР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ С. Тодоров, Венгрия Социалистик ишчи партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ВХР Министрлар Совети Раиси ўртоқ Е. Фок, Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ГДР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ В. Штоф, Монголия Халқ революцион партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, МХР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари ўртоқ Д. Майдар, Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ПХР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ П. Ярошевич, Румыния Коммунистик партияси Марказий Комитети ижроия комитети ва доимий президиумининг аъзоси, РСР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ И. Г. Маурер, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ А. Н. Косигин, Чехословакия Компартияси Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, ЧССР ҳукуматининг Раиси ўртоқ Л. Штроугал бошчилигидаги делегациялари қатнашмоқда.

Сессия ишида Югославия Социалистик Федератив Республикаси иттифоқ ижроия вечаси Раиси ўртоқ Д. Биедич бошчилигидаги ЮСФР делегацияси иштирок этмоқда.

Сессия ишида, шунингдек Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашининг секретари ўртоқ Н. В. Фаддеев иштирок этмоқда.

Кузатувчилар сифатида сессия ишида Куба Компартияси Марказий Комитети секретариатининг аъзоси, Революцион ҳукумат министри ўртоқ Карлос Р. Родригес бошчилигидаги Куба Республикаси делегацияси, Корея Халқ Демократик Республикасининг СССРдаги фавқулодда ва мухтор элчиси ўртоқ Квон Хи Ген ҳозир бўлдилар.

Совет Иттифоқи делегациясининг бошлиғи КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ А. Н. Косигин кириш нутқи сўзлаб, сессияни очди.

Сессиянинг иш тартиби тасдиқлангандан кейин унинг иштирокчилари кун тартибига қўйилган масалаларни муҳокама қилишга киришдилар.

Сессия иштирокчилари Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши ижроия комитетининг Раиси, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари ўртоқ М. А. Лесечконинг кенгашнинг XXV ва XXVI сессиялари ўртасидаги даврда Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашининг фаолияти тўғрисидаги докладини тингладилар. Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг иқтисодий ҳамкорлигини янада кенгайтириш ва такомиллаштириш ҳамда социалистик иқтисодий интеграциясини ривожлантириш комплекс программасида белгиланган баъзи тадбирларнинг қандай бажарилаётганлиги тўғрисида Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши план ишлари соҳасидаги ҳамкорлик бўйича комитет раиси, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, СССР Госпланининг Раиси ўртоқ Н. К. Байбаков, кенгашнинг илмий-техника ҳамкорлиги бўйича комитет раиси, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, СССР Министрлар Совети Фан ва техника давлат комитети раиси ўртоқ В. А. Кириллин, кенгашнинг электр энергия бўйича доимий комиссияси раиси, СССР энергетика ва электрлаштириш министри ўртоқ П. С. Непорожний, кенгашнинг химия саноати бўйича доимий комиссиясининг раиси, ГДР химия саноати министри ўртоқ Г. Вишофски, кенгашнинг машинасозлик бўйича доимий комиссиясининг раиси ўртоқ К. Полачек доклад қилдилар.

Сессияда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ А. Н. Косигин раислик қилмоқда.

Сессия иши ишчанлик ва ўртоқлик вазиятида ўтмоқда.

Сессиянинг мажлиси 11 июлда давом эттирилди.

* * *

Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши сессиясининг 10 июлдаги мажлисида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари ўртоқ Д. С. Полянский, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари ўртоқ П. Е. Шелест, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари В. Э. Димшиц, В. Н. Новиков, И. Т. Новиков, Л. В. Смирнов, Н. А. Тихонов ўртоқлар иштирок этдилар.

ОҚ ЙЎЛ БЎЛСИН, ОФИЦЕРЛАР!

Кремлда ҳарбий академияларни битириб чиқувчилар шарафига қабул маросими

СССР Қуролли Кучлари олий ҳарбий малакадаги командирлар, сиёсий ходимлар, инженерларнинг янги отрядига эга бўлди. Ярим асрдан кўпроқ вақт илгари вужудга келган яхши анъанага мувофиқ бу воқеа катта ва тўлқинлантирувчи байрам сифатида нишонланмоқда. Байрам қатнашчилари бу воқеани доим эсда тутадилар. СССР Мудофаа министрлиги ва Совет Армияси ҳамда Ҳарбий-Денгиз Флотининг Бош сиёсий бошқармаси 11 июлда Қуролли Кучлар ҳарбий академияларини битириб чиққан кишиларни Катта Кремль саройига таклиф қилдилар. Ҳарбий академияларни битириб чиқувчилар билан бирга таниқли совет ҳарбий саркардалари, олий ҳарбий ўқув юртларининг профессорлари ва ўқитувчилари Георгиевский залига, Грановитая палатасига келишди.

СССР мудофаа министри, Совет Иттифоқи Маршали А. А. Гречко шу ерда ҳозир бўлган кишиларга мурожаат қилиб, нутқ сўзлади.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг студентларнинг Бутуниттифоқ слетида сўзлаган ажойиб нутқи, деди министр, ҳаммамизнинг эсимизда. Бу нутқда совет мутахассисининг қандай бўлиши кераклиги батафсил ва чуқур таърифлаб берилди. Совет Иттифоқи Маршали ҳарбий академияларни битириб чиқувчиларга эзгу тилакларини изҳор қилиб, худди ўшандай мутахассислар бўлингиз, ўртоқ Л. И. Брежнев студентлар слётида айтган хислатларга эга бўлингиз, деди. Бу — бундан буёнги ишларингизда муваффақият қозонишингизнинг мустаҳкам гаровидир, деб таъкидлади А. А. Гречко.

1972 йилда ҳарбий академияларни битириб чиқаётган кишилар мамлакатимизнинг халқлари СССР ташкил топган куннинг 50 йиллигини нишонлайдиган ажойиб бир пайтда қисмларда ва ҳарбий кемаларда хизмат қила бошлайдилар. Министр офицерларни давлатимиздаги барча қардош халқлар вакиллари бўлмиш жангчиларнинг аҳил оиласида туриб, пролетар интернационализми ленинча байроғини баланд кўтариб боришга даъват этди.

А. А. Гречко ўз нутқида офицерларнинг бундан буёнги ўқиши, ўз билимларини ошириши, Улуғ Ватан урушининг тажрибаси тўғрисида ижодий фикр юритиш масалаларига катта эътибор берди.

Министр КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советининг совет ҳарбий академияларини битириб чиқувчиларга йўллаган табрикномасини гулдурос қарсаклар остида ўқиб берди. Табрикномада ҳарбий академияларни 1972 йилда битириб чиқувчилар Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флотининг шонли жанговар анъаналарини давом эттирадилар ва кўпайтирадилар, Совет давлатининг мудофаа қудратини янада мустаҳкамлаш учун куч, билим ва ғайратларини аямайдилар, партия ва халқнинг ишончини шараф билан оқлайдилар, деб қатъий ишонч билдирилади.

Шундан кейин В. И. Ленин номли ҳарбий-сиёсий академияни битириб чиққан подполковник Н. И. Бородинга, Қуролли Кучлар Бош штабининг К. Е. Ворошилов номли ҳарбий академиясини битириб чиққан ГДР миллий халқ армияси полковниги Отто Вернерга сўз берилади. Улар ўз ўртоқлари номидан гапириб, ҳамма ишда ва ҳамиша коммунизм улуғ ишига содиқ бўламиз, бутун кучғайратимизни социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари армияларининг жанговар қудратини мустаҳкамлаш ишига сарф қиламиз, деб ишонтирдилар.

Совет Иттифоқи Маршали Р. Я. Малиновский номидаги бронетанк қўшинлари ҳарбий академиясининг бошлиғи генерал-полковник О. А. Лосик ҳарбий академияларни битириб чиқувчиларга чин кўнгилдан оқ йўл тилаб, мурожаат қилди.

(ТАСС).

ПАРТИЯ КОМИТЕТЛАРИНИНГ ПЛЕНУМЛАРИ

ХОРАЗМ

Хоразм область партия комитетининг пленуми бўлди. Пленум қатнашчилари қишлоқ хўжалигига комплекс механизацияни янада жорий этиш ва меҳнат унумдорлигини ошириш соҳасида область партия ташкилотининг вазифалари тўғрисида область партия комитетининг секретари Х. Матрасуловнинг докладини тинглаб муҳокама қилдилар. Область партия комитетининг иккинчи секретари И. П. Дрижак партия ҳужжатлари алмаштирилиши муносабати билан область партия ташкилотларининг вазифалари тўғрисида доклад қилди.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан қарорлар қабул қилинди. (ЎзТАГ).

ФАРҒОНА

ФАРҒОНА, 11 июль. (ЎзТАГ). Область партия комитетининг бугун бўлиб ўтган пленуми КПСС XXIV съезди қарорлари асосида меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашни янада яхшилаш ҳамда уларнинг сиёсий активлиги ва меҳнат ғайратини ошириш соҳасида область партия ташкилотининг вазифалари тўғрисида область партия комитети секретари А. Маҳмудовнинг докладини муҳокама қилди.

Партия ҳужжатларининг алмаштирилиши муносабати билан область партия ташкилотининг вазифалари тўғрисидаги масала ҳам муҳокама қилинди. Бу тўғрида область партия комитетининг иккинчи секретари А. Ф. Гавриловнинг доклади тингланди.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан қарорлар қабул қилинди.

ТОШКЕНТ

11 июлда Тошкент шаҳар партия комитетининг пленуми бўлди. Пленумда партия ҳужжатлари алмаштирилиши муносабати билан шаҳар партия ташкилотининг вазифалари муҳокама қилинди. Шаҳар партия комитетининг иккинчи секретари К. П. Дудин доклад қилди.

Муҳокама қилинган масала юзасидан қарор қабул қилинди.

(ЎзТАГ).

Ўзбекистон ССР Министрлар Советида

МУҲИМ ТАДБИРЛАР

Республика колхозлари тўққизинчи беш йилликнинг биринчи йилида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва давлатга сотиш планларини муваффақиятли бажардилар. 2 миллиард 233 миллион сўмдан зиёд ёки 1966 йилдагидан 613 миллион сўм кўп даромад олдилар. Меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг умумий миқдори 1 миллиард 138 миллион сўмни ташкил этди, бу эса 1966 йилдагига нисбатан 255 миллион сўм кўпдир. Ҳар иш кунига тўланган меҳнат ҳақи ўтган йили ўртача 4 сўм 23 тийинни ташкил этган. Аммо баъзи хўжаликларда пахта, дон, картошка, сабзавот, гўшт, сут ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш учун мавжуд имкониятлардан етарли фойдаланилмаётир.

Бир қатор колхозларда ялпи маҳсулот етиштириш миқдори асосий ишлаб чиқариш фондлари ўсишига нисбатан орқада қолмоқда. Колхоз Уставини бузиш ҳоллари ҳам учраб туради. Ижтимоий мулкни муҳофаза қилиш устидан яхши контроль олиб борилмайди.

Тўққизинчи беш йилликнинг иккинчи йилида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва давлатга сотиш юзасидан тасдиқланган планлар ҳамда қабул қилинган социалистик мажбуриятларни муваффақиятли бажариш, колхозлар экономикасини тағин ҳам мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети республика Қишлоқ хўжалиги министрлиги, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область ва район ижроия комитетларига:

деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни анча кўпайтиришга қаратилган чора-тадбирларни кўриш;

моддий-техника, маблағ ва меҳнат ресурсларидан янада мақсадга мувофиқроқ фойдаланиш;

колхоз Уставига қатъий риоя қилиниши устидан кундалик контролни кучайтириш, ревизияларни ўз вақтида ўтказиб туриш, аниқланган камчиликларни бартараф қилиш учун шошилинч чоралар кўрилишини таъминлаш вазифасини топширди.

Қишлоқ хўжалиги министрлиги, «Узсельхозтехника» бирлашмаси, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, оближрокомлар ва райижрокомларга колхозларда техникадан фойдаланишни кескин яхшилаш, машина ва тракторлар ремонтини ва уларга техника хизматини тўғри ташкил этишда колхозларга зарур ёрдам кўрсатиш, машиналар иш унумдорлигини ошириш ва уларнинг иш сифатини яхшилашдан механизаторларнинг моддий манфаатдорлигини янада ошириш чораларини кўриш топширилди.

ҲАРАКАТ ХАВФСИЗЛИГИ

Республика Министрлар Совети шаҳарлар ва районларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш ва йўл-транспорт ҳодисаларига қарши кураш олиб боришни кучайтириш мақсадида кўча ва йўлларда қатнов қоидаларини ҳамда автомототранспортдан, шаҳар электр транспортидан фойдаланиш қоидаларини бузганлиги учун маъмурий тартибда жарима солиш мумкин бўлган ҳодисаларнинг рўйхатини тасдиқлади.

ТЕЛЕФОНЛАШТИРИШ КЕНГАЙТИРИЛАДИ

Республика Министрлар Совети янги беш йилликда колхоз ва совхозларда 123 минг номердан иборат телефон тармоқлари қуриш ва қишлоқларда 90 минг номердан кўпроқ автомат телефон станцияларини ишга тушириш тадбирларини белгилаб чиқди. Шу мақсадларда иккита комплекс механизациялаштирилган кўчма колонна ташкил этилади.

Бу ишларни олиб борувчи қурилиш-монтаж ташкилотларига ишчи кучи ва транспорт воситалари билан ёрдам кўрсатиш колхозларнинг правлениеларига топширилди.

Советлар мамлакатида

Фахрий колхозчи

ЧЕБОКСАРИ. Учувчи Алексей Федорович Федоровга Чебоксари районидаги «Прогресс» колхозининг умумий йиғилиши фахрий колхозчи унвонини беришга қарор қилди. У мўл ҳосил етиштиришда деҳқонларга кўп йиллардан бери ёрдам бериб келмоқда — экинзорларга осмондан туриб ўғитлар сепади, гербицидлар сочади. Колхоз жамоат ерининг маҳсулдорлигини ва деҳқончилик маданиятини йилдан-йилга оширишга ҳисса қўшмоқда.

Колхознинг самолёт учириладиган, қўндириладиган майдончаси Федоровнинг маслаҳати билан танланган. Кўкламда Федоровнинг ўзи бош бўлиб шу майдонни қордан тозалатади ва унинг захини кетказади.

Федоров ва шериклари фақат «Прогресс» колхозидагина хизмат қилаётгани йўқ. Бу учувчининг учган вақти жами ўн уч минг соатга етди. У колхоз ва совхозларнинг ярим миллион гектар экинзорини ишлаб берди.

Тоғдаги шифохоналар

ОРЖОНИКИДЗЕ. Шимолий Осетия тоғларида ёзги курорт мавсуми авж олиб кетди. Баланд тоғда қурилган ва ўн йилдан бери ишлаб келаётган «Кармадон» санаторийси дам олувчиларнинг катта группасини хушнудлик билан қабул қилиб олди. Ўн йил ичида бу санаторийда қирқ минг киши шифо топди.

Кармадон курорт шаҳарчаси Чижжтахох тоғининг этагидаги хушманзара ерга жойлашган. Унинг иссиқ чашмаларидаги сув таркибида ўттиз хилдан кўпроқ микроэлементлар бор. Бу чашмаларнинг суви меъда, ичак йўли касалликларини ва бод касалликларини даволашга яхши ёрдам беради.

«Кармадон» ва Шимолий Осетиянинг бошқа курортлари йилдан-йилга кенгайтирилмоқда ва яхшиланмоқда. Осетиянинг қадимий шифохоналаридан бири бўлган «Тамиск» санаторийсида 200 ўринли янги корпус очилди. Денгиз сатҳидан икки минг метр баландликда жойлашган «Цей» курортининг шуҳрати ҳам катта.

Шимолий Осетия тоғларидаги шифохоналарда бу йил ёзги курорт мавсумида йигирма минг нафардан кўпроқ меҳнаткаш дам олиб шифоланади.

Янги киноҳикоялар

ҚОЗОН. Қозон киностудиясида тайёрланган кенг экранли рангли «Юртим тароналари» номли янги фильм яқин фурсатда мамлакат экранларига чиқарилади. Бу фильмни яратишда республиканинг энг яхши артистлари иштирок қилди. Фильм Совет ҳокимияти йилларида татар халқининг музика маданиятини ривожлантиришда эришган катта ютуқлари ҳақида ҳикоя қилади.

«Қозон университети» номли яна бир янги фильм мамлакатнинг энг кекса олий ўқув юртларидан бири бўлган Қозон университетининг ҳозирги кунига бағишланди. (ТАСС).

КОММУНИСТЛАР — ИШБОШИ

Андижон коммунистларини бир нарса ташвишга солиб турибди. У ҳам бўлса, ғўзанинг амал олиши ўтган йилдагига қараганда анча кечикаётганидир. Бултур шу маҳалда 40 минг гектар ғўза гуллаган эди. Бу йил эса гулга кирган ғўза кам. Ёмғир, дўл, жала ва довулли шамоллар натижасида ғўзанинг ўсиши сусайиб қолди, ҳосил шохлари ҳадеганда кўпаймаяпти. Қолаверса, бу йилги ҳарорат ўтган йилдагидан анча паст.

Хўш, бу кечикишнинг олдини олиш мумкинми? Қандай қилинса ғўза ўнгланади? Барча коммунистлар, деҳқонлар, бригада бошлиқлари, агрономлар, колхоз раислари, совхоз директорлари, обком ва райком ходимлари, ҳамма-ҳамма шу саволга жавоб ахтаряпти. Экинларни қолоқликдан чиқариш йўлларини қидирмоқда.

Андижон область партия комитети меҳнаткашларга мурожаат қилди. Уларни ғўза парваришидаги қолоқликни тугатишга, бунинг учун эса тупроқни табиий ва сунъий таъсир кўрсатиб қиздиришга даъват этди. Бунинг ягона чораси минерал ва маҳаллий ўғитларни табақалаштириб солишдан иборатдир, деди. Обком чақириғи маҳаллий матбуотда босилиб чиқди, дала шийпонларида, ва радио узеллар орқали ўқиб эшиттирилди. Коммунистлар, сиёсий ахборотчилар, агитаторлар суҳбатлар ўтказишди. Унда айтилган фикрлар далада ишлаётган кишилар қалбидан чуқур жой олди. Коммунистлар тарғибот ишлари билан бирга энг оғир участкаларга бориб етакчилик қилишмоқда.

Қаерга борманг, коммунистлар иш боши. Биров куйиб пишиб ғўза тагини юмшатяпти, биров ўтоқ қиляпти. Яна биров эгатларга сув тараса, бошқаси культивация қиляпти, ҳашаротга қарши курашяпти. Ҳаммага иш баравар тақсимланган. Агроном, колхоз раиси, партком секретари ҳам, бригадиру табелчи ҳам, ошпаз билан тарбиячи аёллар ҳам — ҳамма-ҳамма ишга шўнғиб кетган.

Ленин район партия комитетининг биринчи секретари Низом Қодиров райком тузган режаларни шарҳлаб берди. Бу илғор район марду майдонлари 11 минг гектар ерда ғўза ўстиришяпти Ҳар гектар ердан 40 центнердан хирмон кўтаришга аҳду паймон қилишган. Андижон шароитида 40 центнерлик марранн эгаллаш ҳар кимнинг қўлидан келавермайди Асакалик миришкорлар бултур шу юксак чўққига яқинлашган эдилар. Район гектардан 33 центнердан хирмон кўтариб водийда биринчи ўринга чиққан. Бу йил ҳосилдорликни гектар бошига 7 центнер оширади. «Об-ҳаво ноқулай келди, деб сўзимиздан қайтмаймиз. Гап битта бўлади». Ким билан суҳбатлашманг шундай дейди.

— Ҳозир ҳар бир уядаги ўсимлик тақдири тўғрисида ўйлайдиган, қайғурадиган пайт, — деди райком секретари. — Озгина бўлса ҳам беларволик, эътиборсизлик ҳосил тақдирига ёмон таъсир кўрсатади. Ҳар туп ғўзани қалбимиз қўри, меҳримиз зиёсини тўкиб парвариш қиляпмиз. Устма-уст ёмғир ёғди. Бирининг асоратини тугатиб улгурмай, яна ёғди. Барча майдон қатқалоқ бўлди. Кўпгина карталарда ғўза макка, беда, сабзавот ва қовунтарвуз лойқа остида қолди. Ҳар ёмғирдан кейин экинларнинг тагини пешма-пеш юмшатдик. Райком аъзолари, коммунистлар босиқлик, тадбиркорлик билан иш тутишди. 1900 коммунистнинг ҳаммаси ором нималигини билмади.

Катта хирмон ташвишлари

Коммунист-механизаторлар кечани-кеча, кундузни-кундуз демай ишлаб, бир кунда икки-уч нормани дўндиришяпти. «Коммунизм» колхозида Ўлмас Усмонов деган киши бор. У анчадан буён трактор минади. Ўз ишига пишиқ, меҳнатсевар одам. Бир кунда беш кунлик ишни бажарди. Уч кунда 90 гектар ерни культивация қилди. Бу айтмоққа осон. Коммунист Йўлдошохун Исмоилов ҳам Ўлмас Усмонов билан басма-бас ишламоқда. Унинг ўз олдига қўйган мақсади, вазифаси бор. Уни сўзсиз бажаришга бел боғлаган. Йўлдошохун яхши ишлагани учун Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотланган. Ўтган куни унинг бир ўзи 18 гектар майдондаги ғўзага ишлов берди.

— Иш тиғиз келиб қолди, — деди Й. Исмоилов. — Шунинг учун кечаси ҳам ишлаяпмиз. Дам ғанимат. Қаттиқ ишламасак бўлмайди. Эгатларни вақтида юмшатиб турибмиз. Илгари, минерал ўғит ҳамма эгатларга баравар солиниб, эгат ташлаб суғориларди. Тажриба сув таралмаган қатордаги ўғит ғўзага кеч таъсир қилади, деган фикрни тасдиқлади. Тажрибали коммунистлар ва мутахассислар сув оқизиладиган эгатларга гўнг аралаштирилган азотнинг йиллик нормадан қолган қисмини бир йўла солиш, сув таралмайдиган эгатларга эса элланган гўнгни фосфор билан аралаштириб беришни мақсадга мувофиқ деб топишди. Сув қўйилмайдиган эгатга ташланган гўнг тупроқнинг қизишига, экинларга кўпроқ иссиқлик тегишига ёрдам беради. Бунинг учун тракторнинг олдинги қисмига ўрнатилган икки бункерга маҳаллий ўғит билан фосфор аралашмаси, орқадаги уч бункерга эса азот солаяпмиз.

Сувдан чиққан майдонларда маҳаллий ўғитни культивация пайтида ҳамма эгатларга баравар солиш фойдадан ҳоли эмас. Бу тадбир кутилган натижани бера бошлади. Умуман ўғитлашни бултургидан ўн кун илгари тўхтатишга қарор қилдик.

Йўлдошохун Исмоилов сингари ишчан, мулоҳазали коммунистларни районнинг ҳамма хўжаликларида — «Победа», «Ўзбекистон», «Социализм», «Правда Востока», Ленин номли, Энгельс номли колхозларда ҳам учратиш мумкин. Ленин номли колхозда Расул Олимов, Эргашбой Холдоров каби ташаббускор коммунистлар ишлашади. Уларнинг ҳар бири уч кишининг ишини бажариб донг таратишяпти. Қатор ораларини кенг ва чуқур юмшатиш, ишлов вақтида бирон туп кўчатни нобуд қилмаслик бу икки тракторчининг асосий шиоридир.

— Ғўзани вақтида ва сифатли қилиб суғориш пахтадан мўл ҳосил етиштириш гаровидир, — деди «Правда Востока» колхозининг сувчиси коммунист Нишонбой Ғофуров. — Ғўза маромига етказилиб суғорилса, шона кўпаяди, тез гуллайди. Тупроққа солинган озуқадан ўсимлик яхши баҳраманд бўлади. Аксинча, ғўза чанқатиб қўйилса ҳосилга путур етади. Шу сабабдан озиқлантириш, суғориш, культивация, кетмон чопиғини бир-бири билан уйғунлаштириб юборганмиз. Суғориш икки сменада, группа усулида ташкил этилган.

Бизда карталар сувчиларга бириктириб қўйилган. Бажарилган ишни табелчи ҳар бир сувчи ҳисобига алоҳида-алоҳида ёзиб боради. Ғўзани кундузи суғориш нормаси ернинг тузилишига, тупроқнинг ҳолати ва эгатларнинг узун-қисқалигига қараб белгиланган. Сувчиларга 6-разряд билан бир норма сув учун 3 сўм 10 тийин ҳақ тўланмоқда. Суғоришни белгиланган муддатда сифатли бажарган сувчига бир ярим баравар ортиқча ҳақ берилади. Қўшимча ҳақ суғориш ишлари тугаллангандан кейин тўланади.

«Правда» колхозининг Орифжон Ашуров, Мухтор Дадабоев Энгельс номли колхознинг Тошмат Холматов, «Социализм» колхозининг Мамур Бекбўтаев, Ғаффор Абдураҳмонов, Рўзимат Акбаров каби коммунистлари ҳам вақт билан ҳисоблашмай, кунларни тунларга улаб, ғўза суғоришяпти. Улар ҳар куни унумли ишлашни ўйлайдилар. Иш кунини қандай ташкил этса кўпроқ ва сифатли суғориш мумкин? Қишлоқ коммунистларининг бутун диққат эътибори ана шунга қаратилган.

Район партия ташкилоти мутахассислар билан ҳамкорликда июль ва август ойларида қилинадиган ишлар графигини белгилади. Ҳар бир коммунистнинг шу ойда нима билан машғул бўлишини аниқ кўрсатди. Райком аъзолари, барча коммунистлар, ғўза парваришида қатнашаётган— 14 минг деҳқон, 350 сувчи, 750 тракторчининг ҳаммаси ҳосилнинг тақдирини ўйлайди. Далада ишлаётганлар учун қулай шароит яратилган. Деҳқоннинг иккинчи уйи бўлиб қолган 170 та дала шийпони кўнгилдагидек жиҳозланган Ҳамма жойда иссиқ овқат тайёрланяпти, кўчма дўконлар ишлаб турибди, маиший хизмат ходимлари, медицина ҳамширалари ҳам ўз ишларини бевосита далага кўчиришган.

Қўрғонтепада ҳам, Хўжаобод, Избосканда ҳам, Москва, Марҳаматда ҳам, Балиқчи, Пахтаобод, Бўзда ҳам табиий офат оқибатларини тугатиш, ғўза ривожидаги кечикишни бартараф этиш учун тинимсиз кураш бораяпти. Барча андижонликлар она Ватанга ваъда қилинган 550 минг тонна пахтани ўйлайди. Дала меҳнаткашларининг бугунги ҳаракати, ғайрат ва шижоати албатта ваъдага вафо қилинажагидан, зиммадаги мажбуриятнинг ошириб бажарилишидан далолат бераяпти.

Р. РАҲМОНОВ,
«Совет Ўзбекистони»нинг штатсиз мухбири.

А. ҚУРОНБОЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Суратда: (чапдан ўнгга) Марғилон «Атлас» фирмасининг коммунистик меҳнат зарбдорлари Марғилон шаҳар Советининг депутати Ҳалима Акромова, Фарғона область Советининг депутати Зуҳра Холматова ҳамда ишлаб чиқариш жонкуярлари Роқия Ҳамидова ва Муҳаббат Абдураззоқова ўртоқлар. Улар смена топшириқларини ҳамиша ошириб адо этишга эришаётирлар.
Д. Рўзметов фотоси.

МУҲИМ ҚЎЛЛАНМА

ТАҚРИЗ

Ҳозирги даврда маълум даражада иқтисодий билимга эга бўлмасдан туриб ишлаб чиқаришда ички резервлардан тўлароқ фойдаланиш, халқ хўжалигини бошқариш ва иқтисодий масалаларни ҳал этиш мумкин эмас.

1971 й. «Ўзбекистон» нашриёти босиб чиқарган К. Юсупов ва У. Умаровларнинг «Сиёсий иқтисодни ўрганишда В. И. Ленин асарларидан фойдаланиш» тўғрисидаги қўлланмаси ана шу муҳим масалага бағишланганлиги билан характерлидир. Китоб авторлари олий ўқув юртларида ўзларининг кўп йиллик сиёсий иқтисод курсини ўқитиш тажрибасига таяниб, бу фаннинг асосий темаларини ўрганиш жараёнида студентларга В. И. Лениннинг бой илмий меросидан кенг кўламда фойдаланишга қулайлик туғдириш мақсадида ушбу методик қўлланмани тузганлар. Сиёсий иқтисод фани ҳамма тармоқларнинг иқтисодий асосини ва уларнинг назарий базасини ташкил қилади. Сиёсий иқтисод фанини билмасдан туриб, тармоқларнинг иқтисодий томонларини тушуниш ва иш юритиш анча қийин. Шунга биноан, иқтисодий билимларни эгаллашни энг аввало сиёсий иқтисод фанини ўрганишдан бошлаш мақсадга мувофиқдир.

Марксизм-ленинизм хазинасида иқтисодий назария алоҳида ўрин тутади. Энгельс ибораси билан айтганда, сиёсий иқтисод кишилик жамиятида моддий неъматларни ишлаб чиқариш ва уларни айирбошлаш қонуниятлари тўғрисидаги фандир.

В. И. Ленин янги тарихий шароитда Маркс билан Энгельс иқтисодий таълимотини ривожлантириб, социализмнинг сиёсий иқтисод фанига асос солди. Бу масалада сиёсий иқтисод фанини ўрганувчи кенг меҳнаткашлар оммасига ушбу китоб катта ёрдам беради. Китобда К. Маркс ва Ф. Энгельс томонидан сиёсий иқтисод фанининг яратилиши ва уни В. И. Ленин томонидан янги тарихий шароитда ривожлантирилиши ҳамда социализм сиёсий иқтисод фанининг бунёд этилиши ҳақида қимматли фикрлар баён этилган.

Муаллифлар ўз асарида сиёсий иқтисод фанининг асосий темаларини мутолаа қилиш жараёнида В. И. Лениннинг бой илмий меросидан кенг кўламда фойдаланганлар. Улар сиёсий иқтисоднинг капиталистик ишлаб чиқариш усули ҳамда социалистик, коммунистик ишлаб чиқариш усулининг биринчи босқичига тегишли бўлган ҳамма темаларни ўрганиш бўйича методик қўлланмани тузишга муваффақ бўлганлар. Мазкур қўлланмани сиёсий иқтисод курсининг 100-140 соатлик программаси асосида тузиб тўғри иш қилганлар, деярли кўпгина олий ўқув юртларида сиёсий иқтисод ана шу программа асосида ўқитилади. Қўлланмада ҳар бир теманинг мазмуни, унинг аҳамияти, бунга кирадиган асосий масалалар ва уларнинг қисқача мазмуни ҳам баён қилиб берилган. Бу эса, олий ўқув юртларининг студентларига, айниқса, сиртдан таълим олаётган йигит ва қизларга партия, комсомол маорифи шохобчаларида ўқиётган ҳамда мустақил иқтисодий билимини ошираётган кенг меҳнаткашлар оммасига амалий ёрдам беради.

Қўлланманинг энг қимматли томонларидан яна бири шундан иборатки, муаллифлар ҳар бир теманинг моҳияти ва мазмунини қисқача ёритибгина қолмасдан, балки ҳар бир темага кирадиган асосий масалалар план тариқасида берилган. Уларнинг доҳий Лениннинг қайси асарларида ёритилганлиги ҳамда уларнинг конкрет саҳифалари ҳам кўрсатилган. Шу билан бирга, унда Ленин асарларида баён қилинган айрим фикрларнинг келтирилиши иқтисодий билим олувчиларга қулайлик туғдиради.

Кенг ўқувчилар оммасига мўлжалланган бу фойдали қўлланмада баъзи камчилик ва нуқсонлар ҳам учрайди.

Айрим темаларнинг қисқача мазмуни берилади. Бу яхши. Лекин, бошқа кўпгина мавзуларнинг мазмуни уларнинг эътиборидан четда қолган. Баъзи бир темаларнинг планлари жуда қисқа берилган. Бу ўринда авторлар шошма-шошарлик қилишган. Китобнинг иккинчи нашрида улар бундай камчиликларни тузатишларига ишончимиз комил. Умуман, бу кичик нуқсонлардан қатъий назар, китоб муаллифлари ўз олдиларига қўйган масъулиятли вазифани бажарганлар ва кўзланган мақсадга эришганлар.

О. ҲИКМАТОВ,
иқтисод фанлари доктори.
М. ЖАЛОЛОВ.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

Н. ИСМАТУЛЛАЕВГА «ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН МАДАНИЯТ ХОДИМИ» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Республика матбуотида кўп йиллар самарали ишлаганлиги ва уни ривожлантиришдаги хизматлари учун «Партия турмуши»—«Партийная жизнь» журнали редакцияси пропаганда ва агитация бўлимининг мудири Неъматилла **Исматуллаев**га «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими» фахрий унвони берилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Н. МАТЧОНОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари номидан — Президиум аъзоси
Х. АСОМОВ.

1972 йил, 10 июль.
Тошкент шаҳри.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

З. А. МИЛЬМАНГА «ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН МАДАНИЯТ ХОДИМИ» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Республикада академик ва илмий оммабоп асарлар нашр этиш соҳасидаги хизматлари учун Ўзбекистон ССР «Фан» нашриётининг бош редактори Зельман Аврумович **Мильман**га «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими» фахрий унвони берилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Н. МАТЧОНОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари номидан — Президиум аъзоси
Х. АСОМОВ.

1972 йил, 10 июль.
Тошкент шаҳри.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми транспорт қурилиши соҳасида кўп йиллар ва бенуқсон ишлаганлиги, республикада йўл хўжалигини ривожлантиришда актив қатнашганлиги учун ҳамда туғилган кунига 50 йил тўлиши муносабати билан СССР Транспорт қурилиши министрлиги 7-кўприксозлик тресги бошқарувчиси Павел Васильевич **Семёнов**ни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

ОНА МЕҲРИ

Аҳил оилалар даврасида

Андижон район Калинин номли колхозда истиқомат қилувчи Саида Неъматованинг «Совет Ўзбекистони» газетасида босилган мақоласини ўқиб, мен ҳам онам ҳақида биринчи марта ёзишга журъат этдим. Саида Улуғ Ватан урушидан кейинги йиллардаги воқеани ёзса, мен урушдан олдинги ва халқимиз учун оғир синов бўлган уруш йиллари оналаримиз тортган азоб-уқубатлардан бир шингил гапириб бермоқчиман. Онам Фотима Маматова меҳри

«Қўлимиз кўксимизда» мақоласини ўқиб

дарё оналардан. У кишининг уч ўғилдан 22 невараси, 6 чевараси бор. Онажонимиз бизни вояга етказиш учун не-не қийинчиликларни кўрмади. Ҳаммасини ёзсам бир эмас, бир неча китоб бўлиши мумкин.

Келинг, яхшиси бўлган воқеаларнинг ҳаммасини эмас, айримларини сўзлаб берай. Мен уч ёшимда, синглим бир яшарлигида онадан жудо бўлдик. Кейинчалик отам уйланди. Онам Мўчонбой исмли акам билан бирга хонадонимизга келди. Кейинроқ отам қаердандир яна уч ўғил бола етаклаб келди. Олти-оға ини, ака-сингил меҳрибон ота-онамиз қаноти остида ўйнаб-кулиб яшардик. Лекин ўша пайтларда безгак ва чечак касалликлари тез-тез хуруж қилиб турарди. Чечак синглим ва икки укамни орамиздан юлиб кетди. Фарзандлардан жудо бўлган онам жуда кўп изтироб чекди. Гўё унинг куни тунга айлангандек эди.

Биз, тирик қолган фарзандлари устида парвона бўлиб, борини биздан аямасди. Эгни-бошимизни ҳамма вақт ювиб-тарар, дарсларимизни ўз вақтида тайёрлашимиз учун барча шароитларни яратиб берарди. Лекин орадан кўп ўтмай, Улуғ Ватан уруши бошланди. Кўп оналар қатори менинг онамнинг ҳам ташвиши кундан кунга орта борди... **Қишнинг қаҳратон тунлари онам бечора дўкон ёнида навбат кутиб тунаб қоларди. Ўшанда еттинчи синфда ўқирдим. Акам фронтда, укам ҳали ёш эди. Шунинг учун мактабдан келишим биланоқ онамга ёрдам беришга шошилардим. Онам ишлаган жойда атала беришарди. Онам бечора ўз улушини учга бўларди. Атала пиширилган қозоннинг қирмочини қириб олиш навбати хонадонларга бир ҳафтада бир мартадан тўғри келарди. Ўшандай кун бизнинг оиламизга насиб қилганда, онам қирмочлардан бир кафт ҳам оғзига солмай менга ё укамга берарди...**

Онам бечора чўп-устихон бўлиб кетди. Лекин бирон марта йиғлаганини кўрганимиз йўқ. Нима бўлса ҳам, қаердан бўлса ҳам, бизга овқат топиб беришга интиларди. Ҳатто куз ойлари ҳам кўкрагигача совуқ сувга тушиб, сават билан анҳордан майда балиқларни тутиб келиб, бизга пишириб бергани ҳамон кўз олдимдан кетмайди.

...Орадан йиллар ўтди. Ҳозир акам биринчи класс шофер. Укам ўрмон хўжалигида ишлайди. Мен шаҳар газ идорасида хизмат қиламан. Ҳаммамиз уйли-жойлимиз. Ўғил-қизларимиз бор. Онамиз ҳаёт, тетик ва бардам. Акам 50 ёшда. Мен ҳам 50 га бориб қолдим. Лекин ҳали ҳам онамиз олдида ўзимизни ёш болалардек ҳис этамиз. Онамиз ҳам бизни ҳамон ўша "ёшлигимиздагидек ёқимли ва ширин сўзлар билан эркалайди. Шундан бўлса керак, баъзилар ҳазил қилиб «соқолли гўдак»лар деб ҳазиллашади. Меҳрибон онаизоримнинг бизларга кўрсатган ва кўрсатаётган ғамхўрлигини, одамийлигини асло унутмаймиз.

Қизим Саида, кўп оналар қатори сенинг ва менинг оналаримиз доимо тетик ва умри боқий бўлишсин. Биз улар олдида ўзимизнинг нақадар қарздор эканлигимизни бир дақиқа ҳам унутмайлик, ҳозир нимага эришган бўлсак, энг аввало, у ана шу қалби қайноқ, меҳри дарё оналаримизнинг шарофатидан.

Тоҳир ЭРҚЎЗИЕВ,
Қирғизистон ССР, Ўш области, Қорасув шаҳри.

ЛИТВА ҲАФТАЛИГИ

ҚАРДОШ РЕСПУБЛИКАЛАР ОИЛАСИДА

Кейинги ўттиз йил ичида Литвада 1,3 миллион гектар ернинг захи кетказилди. Республиканинг ўтмишдаги ибтидоий қишлоқ хўжалиги тўла равишда механизациялаштирилди ва электрлаштирилди. Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш эса 34 баравар кўпайтирилди.

Урушдан кейинги йилларда Совет Литвасида қудратли қурилиш базаси вужудга келтирилди, икки юзтадан кўпроқ йирик саноат корхоналари қурилди. Республикада электр техника, радио электроника, химия, биохимия сингари саноатнинг янги тармоқлари пайдо бўлди. Станоксозлик ва асбобсозлик саноатлари ривож топди. Юзлаб янги мактаблар, клублар, касалхоналар барпо қилинди, республиканинг уй-жой фонди икки баравар кўпайди.

Республиканинг миллий даромади бултур қарийб 4,5 миллиард сўмга етди. Бу даромаднинг тўртдан уч қисми истеъмол мақсадларига сарфланди. Аҳолининг харид қобилияти ошганлиги сабабли аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаси, айниқса савдо ва маиший хизмат соҳаси жуда кенгайиб кетди.

Александр ДРОБНИС,
Литва ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, Литва ССР Госпланининг раиси

●

Китобларнинг йиллик тиражи 1940 йилдагига нисбатан тўрт бараварга яқин кўпайди. Газеталар 16 баравардан зиёдроқ кўпайди.

Совет Литвасининг халқ хўжалиги ва маданияти муваффақиятли ривожланаётганлиги иттифоқдош Совет Социалистик Республикалари бир-бирлари билан қардошларча ҳамкорлик қилаётганликларининг ва бир-бирларига ўзаро ёрдамлашаётганликларининг натижасидир.

Улуғ Ватан урушидан кейин қурилган икки юзта йирик саноат корхоналари учун керакли ускуналарни илгари нуқул деҳончилик мамлакати бўлган Литва қаердан ҳам оларди? Шу корхоналардан бири бўлган Литва ГРЭСини мисол қилиб кўрсатайлик. Бу ГРЭС республика халқ хўжалигини электрлаштиришда гоят катта роль ўйнади. Бу электр станцияни қуришга 12 та иттифоқдош Совет Социалистик Республикаларининг юзлаб корхоналари кўмаклашди.

Литванинг химия саноати олтингугурт кислотаси ва суперфосфат ишлаб чиқариш учун Москва, Ленинград, Киев, Еревандан олинган ускуналар билан таъминланган. Пластмасса буюмлар ишлаб чиқариш учун керакли ускуналарни Киев ва Одесса заводлари етказиб берди.

Литвадаги энг катта Алитус ип-газлама комбинати машиналар ва ускуналарни РСФСР, Ўзбекистон ва Тожикистондан олди. Исковдан келтирилган ипак йигириш машиналари, Москвадан келтирилган ипак чийирш машиналари Каунасдаги фабрикада жуда яхши ишлаб турибди.

Литвада экономикани тез ривожлантириш учун зарур бўлган хом ашёнинг кўпгина турлари йўқ. Бу республикага тошкўмирни, металлни РСФСР, Украина, шунингдек Болтиқ бўйидаги бошқа қўшни республикалар етказиб бермоқда. Литвага газни Украина, мазут ва нефть маҳсулотларини Белоруссия юбориб турибди. Машинасозлик ва металл ишлаш заводлари фақат четдан келтирилган хом ашё билан ишламоқда.

Литвага пахтани Ўрта Осиё республикалари етказиб бермоқда. Қозоғистон, Қирғизистон ва Украина республикалари қайта ишланаётган жунининг қарийб учдан икки қисмини, кўпининг кўп қисмини бериб турибди.

Архангельск, Вологда, Мурманск, Киров, Кострома областлари, Коми АССР ва Карелия АССР Литвага ёғоч ва тахталар етказиб бермоқдалар.

Ҳозирги кунда Литвада мураккаб аппаратларни, балиқ овлайдиган замонавий кемаларни, сузиб юрадиган кемасозлик корхоналарини, металл қирқадиган аниқ станокларни ва бошқа техника воситаларини ишлаб чиқараётган юқори малакали мутахассисларнинг кўпчилиги Совет Иттифоқининг қардош республикаларида ўқиб таълим олди. Масалан, янги химия корхоналарининг кўпгина ходимлари Новгород, Шчекино, Серпухов заводларида, шунингдек Украина, Эстония ва Арманистон химия заводларида ўқиб, ҳунар ўргандилар.

Республикани индустриаллаштириш, қишлоқ хўжалигини социалистик негизда қайта қуриш, маорифни, соғлиқни сақлашни ва маданиятни ривожлантириш олий маълумотли мутахассислар нинг катта отрядини тайёрлашни талаб қилди.

Ҳар ўн минг кишига ҳисобланганда Литвада 1940 йилда 20 студент тўғри келган бўлса, ҳозирги кунда 182 студент тўғри келади. Литванинг ўрта мактабларини ҳар йили битириб чиқаётган ёшлар маҳаллий олий ўқув юртларида ҳамда Москва ва Ленинградда, Украина, Белоруссия, Латвия, Эстония, Озарбайжонга бориб ўқимоқдалар.

Литва мутахассисларининг иттифоқдош республикалардаги ҳамкасблари билан алоқалари йилдан йилга мустаҳкамланмоқда. Буни республика экономикаси мисолида яққол кўрса бўлади. Чунончи, Каунасдаги Ф. Дзержинский номли станоксозлик заводининг ходимлари Одессадаги фрезер станоклари заводининг коллективи билан ҳамкорликда ишлаб, металл қирқадиган янги станоклар яратдилар.

Республикада ишлаб чиқарилаётган ҳисоблаш машиналарининг кўп қисмини Литва мутахассислари Москва олимлари билан биргаликда бунёд қилдилар.

Бошқа иттифоқдош республикаларнинг илғор саноат корхоналари, илмий тадқиқот институтлари ва лойиҳалаш-конструкторлик ташкилотлари билан биргаликда иш олиб борилаётганлиги туфайлигина Литвада юқори сифатли кўпгина машиналар, шу машиналарнинг узеллари ва деталлари ишлаб чиқарилмоқда.

Литванинг ўзи ҳам қардош республикаларга турли саноат ускуналари, мураккаб станоклар ва асбоблар, электр пайвандлаш ускуналари, велосипедлар, сунъий тола ва минерал ўғитлар, ферментлар, энг хилма-хил қурилиш материаллари, газламалар, трикотаж, тикилган буюмлар, гўшт ва сут маҳсулотлари, балиқ ва бошқа шу каби ларни юборib турибди. Литва ССР мамлакатимизнинг рўзғор электр счётчикларига бўлган эҳтиёжини деярли тўла равишда қондирмоқда. Мамлакатда ишлаб чиқарилаётган холодильникларнинг қарийб 80 процентига ва кир ювиш машиналарининг қарийб ярмига Литва корхоналарида ишлаб чиқаридган электр моторлар ўрнатилмоқда.

Тўққизинчи беш йиллик — республиканинг ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантиришда, қардош республикалар билан иқтисодий ва маданий алоқаларни янада кучайтиришда олға томон қўйилган янги натта қадам бўлади.

Литва саноати 1971 —1975 йилларда маҳсулот ишлаб чиқаришни бир ярим баравар кўпайтиради. Бунга эришишга иттифоқдош республикалар билан иқтисодий ҳамкорликни ва қардошларча ўзаро ёрдамлашишни янада кенгайтириш ҳал қилувчи даражада ёрдам беради. Жумладан Болтиқ бўйидаги энг катта Мажейкс нефтни қайта ишлаш заводини қуришда, химия индустриясининг, энергетика, енгил саноат ва озиқ-овқат саноатининг қувватларини кўпайтиришда Совет Иттифоқидаги барча республикаларнинг беш юздан кўпроқ корхонаси Литва ССРга кўмаклашади.

Клайпеда Литванинг энг йирик денгиз портидир. Суратда: Клайпеда порти да.
(ТАСС).

ЗАНГОРИ ЭКРАНДА

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК БИЛИМЛАРИ ТЕЛЕВИЗИОН УНИВЕРСИТЕТИ

18 ИЮЛЬ

УСИМЛИКШУНОСЛИК ФАКУЛЬТЕТИ

Тема: «Ўзбекистон шолиси».

Шолиқорлик — республика қишлоқ хўжалигининг муҳим соҳаси.

Ҳ. Урмонова — Ўзбекистон шолиқорлик илмий-тадқиқот институтининг директори.

Шолининг сув режими ва ўғитлаш системаси.

Р. Ҳайдаров — шолиқорлик илмий-тадқиқот институтининг илмий ходими.

Техникани ўрим-йиғимга тайёрлаш.

Х. Назаров — шолиқорлик илмий-тадқиқот институтининг илмий ходими.

Сирдарё областидаги «Сирдарё» шолиқорлик совхозидан телевизион репортаж.

1 АВГУСТ

ЭКОНОМИКА ФАКУЛЬТЕТИ

Тема: «Пахтачиликда теримни комплекс механизациялаш».

Пахта теримини механизациялаш самарадорлигини ошириш.

Х. Жалилов — иқтисод фанлари доктори.

Терим даврида техникани ишлатишни ташкил этиш.

У. Исомхонов — «Ўзсельхозтехника» республика бирлашмасининг раиси.

Хоразм область Хазорасп районидаги «Коммуна» колхозида пахта териш машиналаридан юқори унум билан фойдаланишни ташкил этиш тажрибасидан.

Н. Жабборов — колхоз раиси.

Терим даврида машина терминни ташкил қилиш ва механтага ҳақ тўлаш.

Ш. Нуритдинов — экономика институтининг катта илмий ходими.

Андижон области хўжаликларида теримни машиналаштиришни ўстириш резервлари.

Н. Исомиддинов — Область қишлоқ хўжалик бошқармаси бошлиғининг ўринбосари.

8 АВГУСТ

ЎРМОН ХЎЖАЛИГИ ФАКУЛЬТЕТИ

Тема: «Республика ўрмон хўжаликларида ўрмон бойликларидан фойдаланиш».

Эшиттиришни Ўзбекистон ССР ўрмон хўжалиги давлат комитети раисининг ўринбосари Н. Қурбонов олиб боради.

Бурчмулла ўрмон хўжалиги — халқ хизматида.

А. Абдусаматов. — Бурчмулла ўрмон хўжалиги директори.

Зомин ўрмон хўжалигининг табиий ресурслари.

В. Хўжаев — Зомин ўрмон хўжалиги директори.

Узун ўрмон хўжалигининг ўрмон бойликлари.

Э. Қодиров — Узун ўрмон хўжалиги директори.

15 АВГУСТ

ЧОРВАЧИЛИК ФАКУЛЬТЕТИ

Тема: «Яйловлар унумдорлиги». Яйлов озуқа ўсимликлари селекцияси ва уруғчилиги.

З. Шамсутдинов — илмий-тадқиқот институти озуқа ишлаб чиқариш ва қоракўлчилик бўлими мудири.

Кўп йиллик маданий яйловлар — қизилқумда қоракўлчиликни янада интенсивлаштириш асоси.

М. Маҳмудов — катта илмий ходим.

Ўзбекистон паррандачилик корхоналарида маҳсулдорликни оширишда механизация ва мўътадил иқлим роли.

М. Аҳмедов — республика паррандачилик саноатининг бошлиғи.

22 АВГУСТ

УСИМЛИКШУНОСЛИК ПАХТАЧИЛИК ФАКУЛЬТЕТИ

Тема: «Ғўзани дефолиациялаш ва десинациялаш».

Ғўзани дефолиация қилишнинг физиологик асослари.

А. Имомалиев — биология фанлари доктори.

Дефолиантлардан фойдаланиш муддатлари ва усуллари.

С. Қадралиев — СоюзНИХИ катта илмий ходими.

Техника ишлатиладиган майдонларни дефолиацияга тайёрлаш.

С. Абдуқосимов — САИМЭ пахта теримини механизациялаш бўлимининг катта илмий ходими.

29 АВГУСТ

БОҒДОРЧИЛИК ВА УЗУМЧИЛИК ФАКУЛЬТЕТИ

Тема: «Хурмо боғдорчилиги».

Хурмо боғлари ташкил қилишнинг ҳусусиятлари ва уни парваришлаш йўллари, боғдорчилигининг айрим ўзига хос масалалари.

Мева ва узумнинг янги истиқболли навлари.

Шредер номли илмий-тадқиқот институтининг марказий экспериментал базасидан эшиттириш берилади.

5 СЕНТЯБРЬ

УСИМЛИКШУНОСЛИК ПАХТАЧИЛИК ФАКУЛЬТЕТИ

Тема: «Пахта йиғим-терими».

Далаларни машина теримига тайёрлаш.

Р. Муҳаммаджонов — СоюзНИХИ катта илмий ходими.

Машина терими.

Сурхондарё областидаги 8-совхоз директори **Ш. Кудратов** — Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

Уруғлик чигит тайёрлаш хусусиятлари.

Х. Раҳимов — пахта селекцияси ва уруғчилиги илмий-тадқиқот институти уруғчилик бўлимининг мудири.

Пахта сифатининг давлат стандарти ва уни ташишда техника хавфсизлиги.

Ф. Бобожонов — Тошкент қишлоқ хўжалик институтининг доценти.

12 СЕНТЯБРЬ

ЧОРВАЧИЛИК ФАКУЛЬТЕТИ

Тема: «Чорва молларнинг асосий касалликлари ва унга қарши кураш».

Д. Сайфутдинов — Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги ветеринария Бош бошқармаси нинг бошлиғи.

Насличлик ишлари ва уни олиб бориш методлари. Сигирларнинг қисир қолишига қарши кураш.

Н. Расулев — чорвачилик илмий-тадқиқот институтининг бўлим мудири.

Қорамоллар бузоғини интенсив равишда ўстириш — мол гўшти етиштиришни нўпайтиришнинг асосий омили.

И. Ҳидиров — чорвачилик илмий-тадқиқот институти гўштга мўлжалланган чорва моллари лабораториясининг мудири.

19 СЕНТЯБРЬ

УСИМЛИКШУНОСЛИК ФАКУЛЬТЕТИ

Тема: «Лалмикор ерларда деҳқончилик». Лалмикор ерларни нозги дон экишга тайёрлаш.

Лалмикор деҳқончилик илмий-тадқиқот институтининг директори **Ғ. Отабоев.**

Қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини оширишда шудгорлашнинг аҳамияти.

Н. Рафиев — алмашлаб экиш лабораториясининг мудири.

Экишга тайёргарлик ва уни ўтказиш.

М. Аминов — лалмикор деҳқончилик илмий тадқиқот институти директорининг ўринбосари.

26 СЕНТЯБРЬ

ЭКОНОМИКА ФАКУЛЬТЕТИ

Тема: «Колхозлар ва совхозларда меҳнат ресурсларидан фойдаланиш».

Меҳнат ресурслари ва улардан қишлоқ хўжалигида рационал фойдаланиш.

А. Эгамбердиев — чет тиллар институти сиёсий иқтисод кафедрасининг мудири.

Ишчи кучидан фойдаланишдаги тажрибаларимиз.

С. Бадалов — Наманган область Задарё районидаги «Гигант» колхозининг раиси.

Механизатор кадрлардан фойдаланиш.

Х. Орипов — экономика институтининг илмий ходими.

Хоразм областида меҳнат ресурсларидан фойдаланиш муаммолари.

Ҳ. Матрасулов — Хоразм область партия комитетининг секретари.

Ажаб савдолар СИФАТ ҚАНИ?

— Баракалла, шоввозларим! Ишни тезлатинглар! Катта-катта мукофотлар бизга муntазир! — «Главташкентстрой»нинг 159- трестига қарашли 13-бошқарма бошқарувчиси Вайнтруб бақириб-чақириб, қурилиш майдонининг у чеккасидан бу чеккасига елиб-югуради.

— Борис Шулимович, —ҳазил қилишади унга баъзи қурувчилар, — сифатнинг мазаси йўқ, ишқилиб иморатимиз қулаб тушмасин-да!

— Нафасингни иссиқ қил, битказиб сенлардан, топшириш мендан.

Икки-икки ярим ойлик ана шундай «қизғин» ишдан кейин Тошкент шаҳридаги 236-мактаб учун қурилаётган бино битказилиб, 1969 йилнинг сентябрида фойдаланишга топширилди.

Болалар биринчи кўнироқдан кейин саф-саф бўлиб синфга киришди. Коналар димиқиб кетган. Деразаларни очиб, шамоллатиш керак. Оббо, очилмайди-ку! Дераза дарчалари бир амаллаб очилди-ю, қайта ёпиш ундан ҳам мушкул бўлди. Эшиклар ҳам шу аҳвол! Бу ҳам камлик қилгандек, очиб-ёпиш пайтида ошиқ-мошиқлари яхши ўрнатилмаган ромлар жойидан кўчиб, ойналар чилпарчин бўла бошлади.

Ҳамма ҳайрон:

— Вой, тавба, ҳозиргина фойдаланишга топширилган бинода шундай аҳвол бўлса?!

Бу ҳам ҳолва экан. Орадан уч-тўрт кун ўтиб, шамол турганида бино пештоқига қоқилган тунукалар кўчди.

Мактаб раҳбарлари нима иш қилишларини билмай қолишди.

— Вайнтруб ҳузурига бориб, бўлган гапни айтинг, — деди мактаб директори ҳўжалик ишлар бўйича ўз ўринбосари Жаббор Мирзааҳмедовга.

Мирзааҳмедов ийманибгина ҳурматли Вайнтруб ўтирган хонага кириб борди:

— Салом, Борис Шулимович.

— Ҳа, кел? — ҳўмрайиб қарши олди у.

— Ишлар чатоқ. Қуриб берган биноларингизнинг ромларию томлари мутлақо ярамайди. Қулаб тушяпти.

— Нима? Бас қилинг! Болаларни яхши тарбиялаш керак, ҳа! Ҳаммаси шўх болаларнинг иши!

Ўртоқ Вайнтрубга бас келиб бўлмас! Мирзааҳмедов ҳайрон бўлиб, хонадан чиқди.

Ҳа-ҳу дегунча қиш келиб, ёғингарчиликлар бошланди. Бир кун қарашса, ўқув корпусининг учинчи қаватидаги айвонча эгилиб кетибди.

— Оббо, бу ҳам пухта пайванд қилинмаган экан-ку! — мактаб раҳбарлари ҳайрон бўлиб айвончага тикилиб қолишди. — Энди нима қилдик?

— Вайнтрубга хабар бериш керак, — деди кимдир.

Мирзааҳмедов яна Вайнтруб ҳузурида:

— Борис Шулимович...

— Ҳа, яна келдингми?

— Учинчи қаватдаги айвон босиб қолай деяпти.

— Болаларни яхши тарбиялаш керак. Тўполон қилишмасин! Ҳа, деб айвонга чиқиб дўпир-дўпир қилишмасин!

— Ахир, қиш бўлса, ким айвонга чиқарди!

— Э... гапни чўзманг. Ўртоқ. Бинони боплаб қуриб бердикми, сақлаш сизларнинг вазифангиз!

Вайнтрубдан нажот бўлмагач, айвончани ўқитувчиларнинг ўзлари бир амаллаб тузатишган бўлишди. Аттанг, у бу йилги қишга бардош беролмай қулаб тушди.

Ҳа, мактаб комплексидаги камчиликларни айтиб тугатиб бўлмайди. Чунончи, 25-30 метр чамасидаги канализация қувури ҳамда бир қудуқ ишга яроқсиз. Бир сўз билан айтганда, канализация батамом авария ҳолатида.

Теплица-чи? Яроқсиз аҳволда ётибди. Негаки, бу ерга қўйилган батареялар иссиқлик эмас, қишин-ёзин муз чиқади. Мактаб ҳовлиси атрофидаги сим деворлар ниҳоятда бепанд ишланганлигидан «юлдуз кўрмай жон берган».

— Ҳой, болалар, қоч! Айвон тагига борма!

Мактаб биносининг ўнг томонида болалар ўйин-кулги қиладиган узун айвон бор. Эй, бу айвон эмас, мактаб коллективи учун каттакон ташвиш бўлди. Босай-босай, деб турибди. Болалар шу ерда ўйнаб юришганида бирор фалокат юз берса, нима бўлади?!

Ана шу ҳақда ҳам Вайнтрубга бир неча бор арз қилинди. У бўлса:

— Ҳе, болаларингни тийиб ол, айвонни улар бузишсин-да, мен тузатиб берайми?! — деййишдан нарига ўтмаяпти.

Тошкент шаҳар, Октябрь районидаги 236-мактаб учун шошма-шошарлик билан барпо этилган чиллаки биноларда аҳвол ана шундай! Район халқ маорифи бўлими ўз бюджетидан 7 минг сўм ажратиб, мактаб ремонтига сарф этган бўлишига қарамай бу ердаги аҳвол айтарлик ўзгармаяпти. Билмадик, бу ёғи қандай бўлар экан?!

Вайнтруб амакиларини Октябрь районидаги 102-мактаб ўқувчилари ҳам яхши билишади. Ўтган йили ана шу «ишбилармон» раҳбар бош бўлган коллектив 102-мактаб биноси қаршисида қурилиш бошлаб юборди. Болалар ўқишга қат найдиган йўл бузилиб, ҳаммаёқни тупроқ уюмлари, ўйдим-чуқур ўраб олди.

— Вой, энди қаёқдан юрдик? — дейишади болалар.

— Хафа бўлманглар. қўзичоқларим, ўн кунда йўлларингни тузатиб бераман, — овутади Вайнтруб.

Ўн кун-а! Ўн ойда ҳам тузалмади. Гўдаклар ёғин-сочин кунларда лойга ботиб, зўр-базўр мактабга бориб-келадиган бўлишди.

Энди уч-тўрт оғиз сўз 159-трестининг 22- қурилиш бошқармаси (бошлиғи Виктор Гаврилович Бобилев) диққатига. Октябрь райони территориясидаги 124-мактаб ҳамда 186-болалар боғчаси биноларини ана шу ўртоқ бош бўлган коллектив бунёд этган. Очиғини айтганда, мактаб коллективи ҳам, боғчадагилар ҳам улардан хурсанд эмас! Негаки, иморатлар «кўлдан кетгунча, эгасига етгунча» қабилида қуриб битказилган экан. Ёғингарчилик бўлди дегунча томлардан чакка ўтиб кетади. Сабаби, пишаби ўртага тўғриланган бўлиб, сув том устида ҳалқоб бўлиб қолади.

Ҳа, шундай! В. Вайнтруб билан В. Бобилев ўртоқлар кўпчиликни эмас, фақат ўз манфаатларини кўзлаб иш қилаётганга ўхшайдилар. Акс ҳолда улар, юқорида ҳикоя қилганимиздек, камчиликларга йўл қўйишмаган бўлишарди.

* * *

Яна икки оғиз бино томлари ҳамда уларнинг кўриниши ҳақида. Маълумки, шу кунларда «Главташкентстрой» қурилиш ташкилотлари барпо этаётган биноларнинг томлари мум билан ёпилмоқда. Ахир, Ўрта Осиёнинг иссиқ иқлимига мум қандай бардош берсин? Ёз кунлари эриб, томлар чакка ўтадиган бўлиб қолаётгани, бунинг олдини олиш учун ҳар йили неча минг сўмлаб маблағ сарф этилаётгани ҳеч кимга сир эмас. Томларни шифер ёки тунука билан қоплашни ўйлаб кўрилса ёмон бўлмасди. Бир мисол: Октябрь районидаги 1, 40 ва 41- мактаб биноларини бундан ўттиз беш йил муқаддам бунёд этилган. Улар томига ёпилган шиферлар бўлса, шу давр мобайнида айтарлик янгилангани йўқ. Хўш, шундай экан, бир ўйлаб кўрайлик — томларни мум билан ёпган фойдалими шифер биланми?

Кейинги пайтларда қурилаётган баъзи мактаб комплекслари кўринишни ҳам шу кунларнинг талабларига жавоб бермайди. Бунга биз юқорида таъриф ва тавсиф этган 236-мактаб биноси мисол бўла олади. Бу ерда омборхона, қозонхона ҳамда теплица асосий бино олдига қурилган бўлиб, мактабнинг умумий кўринишини нихоятда кўримсиз қилиб қўйган. Наҳотки, асосий бинони кўча тарафга, иккинчи даражали биноларни эса унинг орқа томонига жойлаштириш мумкин бўлмаса?! Мактаб комплекслари лойиҳаларини яратаётган архитекторларимиз бу ҳақда жиддий ўйлаб кўришса, ёмон бўлмасди.

Бинолар беш-олти йилга эмас, асрларга мўлжаллаб қуриляпти. Шундай бўлгач, уларнинг пишиқ-пухталиги, кўриниши ҳақида бош қотирмай иложимиз йўқ.

У. ЮСУПОВ.
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбири.

„МУҚАДДАС ИЗЛАР“

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ»ДА БОСИЛГАНДАН КЕЙИН

Жиззахнинг кунчиқар тарафида Мўлкал қишлоғи бор. Кўркам, хушхаво. Қишлоқ аҳли меҳнаткаш, асил деҳқон. Колхозчилар боғларни янада кенгайтириш, Етимтоққача чўзилиб кетган даштни экинзорларга айлантиришга шайланиб турган бир пайтда она-Ватанимиз бошига оғир кулфат тушди. Уруш бошланди. Қариялар, жувонлар, болалар йигитларни жангга кузатишди:

— Ой бориб, омон келинглар. Зафар ёр бўлсин.

Қишлоқдан эл-юрт ҳимоясига отланган икки юзга яқин йигитлар орасида бўғдойранг, қорақош, кўзлари ёниб турадиган Бегимкул Қулбсев ҳам бор эди. Бегимкул ой кетди-ю... омон қайтмади. Ҳа, уруш қурбонсиз бўлмайди...

Ватан уруши қаҳрамонлари изидан юрган езувчи Назир Сафаров ва Ёдгор Худойқулов ўртоқлар «Совет Ўзбекистони» газетасининг шу йил 30 апрель сонида босилган «Муқаддас излар» сарлавҳали мақоласида жиззахлик довюрак йигитнинг жасоратини ҳикоя қилиб беришди. Шундан кейин Қулбоевнинг қариндошуруғлари довюрак йигит ҳақида хотираларини сўзлаб беришди. Бегимқул Белоруссия тупроғида партизанлик қилган. Альбинск, Полесье, Любань, Копаткевич, Грабово, Кобрин, Антополь... қишлоқларида фашист газандаларига қарши жанг қилган. Душманнинг иккита эшелонини ағдарган, иккита кўприкни портлатган. Беш марта жароҳатланган Унинг жасади Белоруссия тупроғида қолди. Антополь райони меҳнаткашлари унинг қабри устига қишин-ёзин гулчамбарлар қўядилар.

Жиззах районидаги Навоий номли колхоз аъзолари ҳам довюрак ҳамқишлоқларининг хотирасини абадийлаштиришга қарор қилдилар. Колхоз клуби ёнида унга хотира тахтаси қўйилди. Колхоз чегарасидаги қишлоқ хўжалик техникумига Бегимқул Қулбоев номи берилди.

С. НУРОВ.
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ДОНАЛАР СУРИЛИШИГА БИР КУН ҚОЛГАНДА...

РЕЙКЪЯВИК, 10 июль. (ТАСС махсус мухбири А. Ермаков). Роберт Фишер қуръа ташлангандан кейин халойиққа қорасини кўрсатмай қўйди. Маҳаллий газеталар ҳам энди Фишер ҳақида индамаётир. Айтишларига қараганда, Фишер кундузи ухлаб, кечқурунлари ва тунда хонасининг атрофидаги боғда сайр қилар экан. Бу боғни полициячилар қўриқлаб туришибди. Мен америкалик журналист-биограф билан сўзлашиб қолдим. Унинг айтишича, Роберт Фишер тўғрисида «Шахматда мисли кўрилмаган ҳодиса» деган китоб ёзиб бостирган. Журналист-биограф ҳозир мана шу кунларда ҳам Фишер билан гаплашишнинг иложини тополмаганлигини айтди.

Борис Спасский якшанба куни шаҳарда бўлмади. У пойтахт атрофида, сокин кумушсимон чўққилардан шовуллаб оқаётган шаршаралар орасида дам олди. У шаҳардан ташқарига сафар қилганида об-ҳаво жуда соз бўлди: ёмғирли ва салқин кунлардан кейин офтоб чиқиб, кун исиб турди.

Совет журналистлари соат 17 да кўргазмалар саройига боришди. Бу сарой ҳозир жуда улкан мусобақа иштирокчиларини сабр-тоқат билан маҳтал бўлиб кутиб турибди. Айни пайтда совет делегациясининг аъзолари Е. Геллер, Н. Крогиус ва И. Ней ўйинга сўнгги тайёргарлик ишларини кўздан кечириш учун залга келишди.

Зал баланд думалоқ шифти бўрлиги туфайли улкан чодирга ўхшаб кетади, кенг амфитеатрларга креслолар ва курсилар қўйилган. Бу ерда ҳозир жимлик ҳукмрон, деворларга қуйидаги талаблар ёзилган плакатлар осиб қўйилган: «Суратга олинмасин!», «Тинчликка риоя қилинсин!», «Чекилмасин!», «Шахмат ўйналмасин!». Хатто залга чўнтак шахматларини ҳам олиб келиш мумкин эмас, деб тушунтиришди бизга.

Бизнинг шахматчиларимиз келиши билан саҳнани равшан қилиб ёритишди. Кундузги чироғ лампаларининг панеллари ҳозирча бўм-бўш турган иккита шахмат столининг устига қаратиб қўйилган.

...Шахмат столчаси Гаванада бўлиб ўтган шахмат олимпиадаси иштирокчилари ўйнаган столча нусхасида ясалган. Унинг модели исландиялик гроссмейстер Ф. Олафссоннинг ҳонасида. Бу столча, ўйин ташкилотчиларининг сўзига қараганда, Ҳиндистондан олиб келинган нодир дарахт ёғочидан тайёрланган. Тахтанинг ўзи Исландия мармар тахтачаларидан ясалган. Ўйин иштирокчиларига турли рангдаги бир неча тахта, жумладан яшил ва оқ рангдаги тахталар таклиф қилинади.

Учта шахмат комплекти (шулардан иккитаси запас қилиб қўйилган) Англияда тайёрланган. Стаунтон модели сифатида машҳур бўлган шахматлар танлаб олинди. Бу шахматлар ўтмишда машҳур инглиз шахматчиси Стаунтоннинг номи билан аталган фирма томонидан тайёрланган.

Ўйин бошланишига бир сутка қолганда бош арбитр Лотар Шмидга Рейкъявикни тарк этишга тўғри келди. Унинг ўғли йўл ҳалокатига учраб, қаттиқ майиб бўлиб қолган. Ҳозирча бош судья вазифасини унинг ўринбосари исландиялик шахматчи Гундмундур Арнлауксон ўз зиммасига олган.

Шундай қилиб, доналар териб қўйилган шахмат тахтаси планетамизнинг икки бақувват шахматчисига маҳтал турибди. Бу ўйиннинг бошланишини бутун шахмат олами орзиқиб кутди.

ЧЕТ ЭЛЛАРДА

ЯНГИЛИКЛАР, ХАБАРЛАР, ВОҚЕАЛАР.

ФРАНЦИЯ КОМПАРТИЯСИ МИЛЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯСИНИНГ РЕЗОЛЮЦИЯСИ

ПАРИЖ, 10 июль. ТАСС мухбири **В. Иорданский** хабар беради: Франция Компартияси Марказий Комитети пленумининг қарорига биноан чақирилган миллий конференция ўз ишини тамомлади. Конференция Франция Компартияси Бош секретарининг ўринбосари Ж. Марше докладини якдиллик билан маъқуллаб, умумсиёсий резолюция қабул қилди.

Франция Коммунистик партияси билан Франция социалистик партияси делегациялари биргаликда ишлаб чиққан ҳукумат программаси, дейилади резолюцияда, французларнинг эҳтиёжлари ва демократик талабларига жавоб берадиган йўлни очиб беради. Резолюцияда уқтириб айтиладики, халқ иттифоқини тузиш бу программани амалга оширишнинг мутлақо зарур шартидир. Шу билан бирга Франция Компартиясининг миллий конференцияси қайд қилиб ўтдики, «Франция Коммунистик партияси билан Франция социалистик партиясининг, шунингдек бошқа демократик кучларнинг меҳнаткашлар манфаатларини ҳимоя қилиш программасининг тантана қилиши ва амалга оширилиши йўлида мисли кўрилмаган равишда биргаликда иш олиб боришлари учун мустаҳкам негиз яратилмоқда». Конференциянинг резолюциясида Коммунистик партия бу ҳаракат бирлигини мустаҳкамлашга маҳкам бел боғлаганлиги уқтириб ўтилди.

Вьетнамга доир резолюцияда конференция барча французларни Вьетнам халқини, Ҳинди-Хитойнинг барча халқларини сиёсий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга ҳамда уларга моддий ёрдам бериб туришга чақирди.

Франция Компартияси Бош секретарининг ўринбосари Ж. Марше конференцияда сўзлаган якунловчи нутқида, қўшма программа социалистлар билан коммунистларнинг меҳнаткашлар олдида, демократлар олдида, Франция халқи олдида ўз зиммаларига олган тантанали мажбуриятдир, деди.

Франция Коммунистик партиясининг миллий конференцияси ўз ишини тамомлади.

АҚШ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ БАЁНОТИ

НЬЮ-ЙОРК, 10 июль (ТАСС). АҚШ Коммунистик партияси Марказий Комитети баёнот эълон қилди. Бу баёнот Америка қўшинларини Жанубий Кореядан ва Жанубий Корея қўшинларини Ҳинди-Хитойдан тамомила олиб чиқиб кетишга даъват этади.

Баёнотда бундай дейилади: «Америка империализмининг агрессив мақсадларда аралашганлиги натижасида Корея 27 йил муқаддам икки қисмга ажратиб юборилган эди. Американинг 50 минга яқин солдати «Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг қуролли кучлари» деган сохта ниқоб остида ҳали ҳам Жанубий Кореяни оккупация қилиб турибди». Вашингтон қўмондонлигида Жанубий Кореянинг неча ўнг минглаб солдатлари Вьетнам, Лаос ва Камбоджада Америка империалистларининг Ҳинди-Хитой халқларига қарши қилаётган агрессив урушида қатнашмоқда».

АҚШ Компартияси «АҚШнинг қўшинларини Жанубий Кореядан дарҳол ва батамом олиб чиқмай туриб ҳамда Американинг бу мамлакатдаги аслаҳахоналари ва ҳарбий денгиз базаларини тугатмай туриб», Кореяни бирлаштириш мумкин эмас, деб ҳисоблайди.

Баёнот охирида бундай дейилади: «Кореяни бирлаштириш проблемасининг муваффақиятли ҳал этилиши бутун дунёда тинчлик ва халқларнинг миллий озодлиги ишига қўшилган муҳим ҳисса бўлур эди».

*

Суратларда: (юқоридан пастга). 1. Польшадаги машинасозлик заводида совет мутахассисларининг лойиҳаси асосида «МИ-2» вертолётлари ишлаб чиқариш ўзлаштирилди; 2. Совет — Нигерия иқтисодий ҳамкорлиги Нигерия тараққиётида муҳим босқич бўляпти. Совет Иттифоқи ёрдами билан бу ерда йирик саноат марказлари барпо этилди. Бундай корхоналарда нигерияликлар меҳнат қилишади; 3. Германия Демократик Республикасининг Лейпциг шаҳри яқинида республика қишлоқ хўжалиги ютуқлари виставкаси ташкил этилган. Бу виставкада Демократик республика қишлоқ хўжалигининг ютуқлари намойиш этилади.

(ТАСС ва АДН фотолари).

*





ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

БЕЛГРАД. Лукавац шаҳридаги **Б. Кидрич** номли кокс-химия комбинатида ҳар йили 700 минг тонна кокс ишлаб чиқарувчи тўртинчи батарея қурила бошланди. Бу эса ҳозирги вақтда комбинатда мавжуд учта батарея ишлаб чиқараётган коксдан 170 минг тонна кўп бўлади.

Лукавац шаҳридаги кокс-химия комбинати Югославияда металлургия заводлари учун кокс ишлаб чиқарувчи бирдан-бир корхонадир. Совет мутахассислари лойиҳасини тузиб берган ва совет асбоб-ускуналари ўрнатиладиган тўртинчи батарея Югославия учун жуда катта аҳамиятга эга бўлади.

ВАРШАВА. Свидникдаги завод 20 йилдан ортиқ вақтдан бери Польша ва чет мамлакатлар корхоналари учун комплекс саноат асбоб-ускуналари етказиб бериш билан шуғулланмоқда.

Заводнинг бу йилги экспорт программасида Исландия учун махсус кемасозлик корхонаси қуриш, шунингдек қанд заводлари учун кучли центрифугалар ишлаб чиқариш каби муҳим ва катта заказлар бор.

ДЕҲЛИ. Сувнинг камчиллиги ва об-ҳавонинг қуруқ келиши ҳамма вақт ғарбий Ҳиндистоннинг Ражастхан штатида электр қуввати танқислигига сабаб бўлиб келган эди. Кота деган жойда қурилаётган атом электр станцияси шу штатда электр энергия ишлаб чиқариш проблемасини тез орада ҳал этиш имкониятини беради.

Ҳиндистон марказий ҳукуматининг давлат министри К. Ч. Пантнинг матбуот конференциясида хабар беришича, атом электр станциясининг 50 минг киловатт қувватга эга бўлган биринчи навбати шу йилнинг ноябрь ойидаёқ фойдаланишга топширилади.

РИМ. Италиянинг 56 та вилоят марказида 1971 йилда ўтказилган текширишлар нон ва сут маҳсулотларининг нархлари ўрта ҳисобда 10 процент кўтарилганлиги билан бир қаторда, гўшт нархи ҳам 5-10 процент қимматлашганлигини кўрсатди. Шу билан бир вақтда квартира учун тўланадиган ҳақ ҳам 20 процент кўтарилган.

МОНТЕВИДИО. Монтевидиодаги статистика институтининг маълумотига қараганда, шу йилнинг дастлабки беш ойи ичида Уругвайда нархнаво 39,86 процент кўпайган. Май ойининг ўзидагина нархлар ўрта ҳисобда 4,3 процент ошган.

ПАРИЖ. Шу йил 1 январдан буён 34 мингдан ортиқ киши Франция Коммунистик партияси сафига кирди. 15 июндан буён партия сафига қабул қилинганлар қаторига яна 3 минг киши келиб қўшилди. Шу билан бирга, уларнинг учдан икки қисми Франция Коммунистик партияси билан социалистик партия ўртасида қўшма ҳукумат программаси тўғрисидаги битим 27 июнда имзоланганидан кейин Франция Компартияси сафига кирди.

Бу маълумотлар Франция Коммунистик партиясининг Парижда ўтказилган миллий конференциясида эълон қилиниб, «Юманите» газетасида босиб чиқарилди.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БУГУН

ВИРИНЧИ ПРОГРАММА

10.55 — ТОШКЕНТ. 11.00 — Болалар учун рус тилида мультфильмлар. 11.20 — Болалар учун «Юлдузча» телевизион журнали. 12.05 — **«Тиканли қалъа»** кўп серияли телевизион бадиий фильмнинг 4- серияси. 12.45 — МОСКВА. 17.55 — ТОШКЕНТ. 18.00 — Болалар учун «Биз лагердан қувноқ дўстлар топамиз». 18.30 — Т. Жалилов номидаги халқ чолғу асбоблари оркестрининг концерти. Программада совет композиторларининг асарлари. 19.10 — «Ахборот». 19.25 — «Янги одатлар ва анъаналар — ҳаётга». 19.45 — «Ахборот». 19.50 — МОСКВА. 20.20 — ТОШКЕНТ. «Ўзбек киноси усталари». В. Синиченко. 21.10 — СССР халқ артисти **Олим Ҳўжаев**нинг ижодий портрети. 22.00 — МОСКВА. 22.30 — ТОШКЕНТ. К. Гоци. **«Бахтиёр гадолар»**. Фарғона музикали драма ва комедия театрининг спектакли.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

17.50 — МОСКВА. 19.50 — ТОШКЕНТ. «Комиссар гувоҳлик берди». Телевизион ҳужжатли фильм. 20.20 — МОСКВА. 22.00 — ТОШКЕНТ. «Қўшиқ ҳамроҳимиз». Революцион ва совет қўшиқлари тарихидан. 22.30 — МОСКВА.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

20.00 — ТОШКЕНТ. «Эртанги кун». Ҳужжатли фильм. 20.30 — «Ишга таклиф этамиз». 20.45 — **«Богдан Хмельницкий»** (бадиий фильм).

РАДИО БУГУН

6.15 — Тонгги концерт. 7.40 — Танбур тароналари. 8.25 — Ўзбекистон телевидениеси ва радиоси солистларининг концерти. 9.30 — МОСКВА. «Ер ва эл» радиожурнали. 11.15 — СССР 50 йиллиги олдидан «СССРнинг тузилиши — Улуғ Октябрь самараси, тарихий тараққиётнинг қонуний якунлари». Фалсафа фанлари доктори, профессор М. Жунусов суҳбати. 11.30 — Хоразм қўшиқлари. 12.15 — «Музикальная жизнь» журнали саҳифаларида. 13.30 — Оперетталардан саҳналар ва дуэтлар. 16.10 — «Ўзбек эстрада қўшиқлари». Музикали эшиттириш. 16. 50 — «Правда» газетасининг обзори. 18.00 — СССР 50 йиллиги олдидан. «Декада зарбдорлари». Радиоочерк (русча). 18.10 — Италия қўшиқлари. 18.40 — Спорт эшиттириши. 19.20 — Қозоқ куйлари. 20.00 — «Ўзбекистон ишчиси» радиожурнали ва саноат ходимлари учун концерт. 21.00 — Халқаро мавзуларда суҳбат. 21.10 — Қишлоқ хўжалик ходимлари учун кечки концерт. 22.15 — Енгил куйлар. 22.40 — шеърият кечаси. 23.10 — Куйлар тинглаб. дам оламиз. 23.45 — Москва. Халқаро кундалик.

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Аёл ҳаётидаги эркаклар — «ЎЗБЕКИСТОН», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ИЙЛЛИҒИ», «ЧАЙКА», «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Музика садолари — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИЙЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Ёшлар — «ДРУЖБА» (тоқ соатларда). «СПУТНИК» «КЎКЧА» (кундуз ва кечқуруз).

Кулгили қиз — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун).

Уч мушкетёр — НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун).

Запасдаги офицер — «ДРУЖБА» (жуфт соатларда).

Учишга рухсат беринг — «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун).

Уз ҳақингда сўзла — ҲАМЗА номли (кундуз ва кечқурун).

ЁЗГИ БИНОДА

Ёшлар — «ФЕСТИВАЛЬ».

Учишга рухсат беринг — «ХИВА».

СССР Қишлоқ хўжалик министрлиги

АНДИЖОН ПАХТАЧИЛИК ИНСТИТУТИ

1972 — 1973 ўқув йилига қуйидаги ихтисослар бўйича

СТУДЕНТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Агрономия — пахтачилик бўйича агрономлар тайёрланади. Ўқиш муддати 4 йилу 4 ой.

Гидромелиорация — сув хўжаликлари, мелиорация, суғориш системалари ва иншоотлари бўйича инженер-гидротехниклар тайёрлайди. Ўқиш муддати 4 йилу 10 ой.

Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш — машина тракторларни ремонт ва эксплуатация қилиш бўйича инженер-механиклар тайёрлайди. Ўқиш муддати 4 йилу 10 ой.

Институтга кирувчилар қуйидаги фанлардан имтиҳон топширадилар: Агрономия ихтисослигига: — биология (оғзаки), химия (оғзаки), физика (оғзаки) она тили (ёзма).

Гидромелиорация, қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш ихтисосларига — математика (ёзма ва оғзаки), физика (оғзаки), она тили (ёзма).

Институт ректори номига ариза билан бирга қуйидаги ҳужжатлар топширилади: ўрта маълумоти тўғрисида ҳужжат (асл нусхаси) ва нотариусда тасдиқланган нусхаси, ишлаётган ёки ўқиётган жойидан характеристика, медицина справкаси (286- форма), меҳнат дафтарчасидан кўчирма, 4 дона фотосурат (3х4 см. ҳажмида), паспорт ва ҳарбий билетни (ҳарбий хизматчилар) ёки хизматга чақириладиганлар гувоҳномаларини шахсан кўрсатадилар.

Ҳужжатлар 31 июлгача, кириш имтиҳонлари 1 августдан 20 августгача қабул қилинади.

Мурожаат учун адрес: Андижон область, Избоскан район, Куйганёр посёлкаси, пахтачилик институти.

Ўзбекистон ССР Савдо министрлигининг

ТОШКЕНТ САВДО БИЛИМ ЮРТИ

1972-1973 ўқув йилига

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти савдо корхоналари учун озиқ-овқат ва саноат моллари бўйича кичик сотувчилар ва сотувчилар тайёрлайди.

Ўқиш муддати — бир йил.

Билим юртига ўрта (10 синф) ва тўлиқсиз ўрта (8-9 синф) маълумотли, 20 ёшгача бўлган ва соғлиги бўйича савдо корхоналарида ишлашга яроқли йигит ва қизлар кириш имтиҳонларисиз қабул қилинади.

Билим юртида ўрта мактабни битириб келганлар учун алоҳида группалар тузилади.

Билим юртига кирувчи ёшлар маҳаллий савдо корхона ва ташкилотларидан йўлланма олишлари керак.

Билим юртига кирувчилар директор номига ёзилган ариза га қуйидаги ҳужжатларни қўшиб топширадилар: маълумоти ҳақидаги гувоҳнома ёки аттестат, туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома (асл нусхаси), яшаш жойидан справка, мактабдан характеристика, 286-форма бўйича соғлиги ҳақидаги справка, 3х4 сантиметр ҳажмдаги учта фотосурат, савдо ташкилотидан йўлланма.

Билим юртига қабул қилинган ўқувчилар 26 сўм ҳажмида стипендия билан таъминланадилар.

Аризалар 31 августгача қабул қилинади.

Ўқиш — 1сентябрдан бошланади.

Билим юртининг адреси: Тошкент-86, «Оқтепа» массиви, Самарқанд дарвоза кўчаси, 60-уй.

Ўзбекистон ССР Тайёрлаш министрлигига қарашли

ТОШКЕНТ ТЕХНОЛОГИЯ БИЛИМ ЮРТИ

1972-73 ўқув йилига

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти республика тегирмон-аралаш озуқа саноатида ишлаш учун мутахассислар тайёрлайди.

Ўқиш муддати — 11 ой.

7-10 синф ҳажмида маълумотга эга бўлган, ёши 17 дан кам бўлмаган йигит ва қизлар имтиҳонсиз қабул қилинади.

Қабул қилинган ишлар 18-25 сўм ҳажмида стипендия билан, аълочилар 20 процент ҳажмида қўшимча стипендия билан, 3 марта бепул овқат билан таъминланадилар.

Бошқа шаҳардан келганлар ётоқхона билан таъминланади. Совет Армиясн сафидан демобилизация қилинган ишлар ойига 60 сўм ҳажмида стипендия билан таъминланадилар.

Ўқиш рус тилида олиб борилади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар. 2-Сельмаш проезди, 35-уй/13-трамвайни нг «Сельмаш» бекати, 8 .15. 21. 23. 48-автобусларнинг «2-Мебель-комбинат» бекати).

СПОРТ

ХАБАРЛАР

ОЛИМПИАДА ТАШВИШИ

Тошкентда сузиш бўйича республика шахсий-команда биринчилиги мусобақалари бўлди. Ёшлар юқори натижаларга эришдилар. 16 ёшли Н. Афонина 100 метрга эркин усулда сузишда 2 минуту 03,9 секунд вақт сарфлаб, республика рекордини ўрнатди. Ёшлардан В. Руднев 1500 метрга сузиш бўйича мастерлик нормасидан ҳам юқори натижага эришди. Унинг тенгдошлари Т. Лягина, И. Логинова, И. Забродинлар ҳам ўз устозларини мамнун этишди.

КУБОК — БРАЗИЛИЯДА

Кичик жаҳон чемпионати — Бразилия мустақиллигининг 150 йиллигига бағишлаб ўтказилган футбол ўйинлари ниҳоясига етди. Сўнгги ўйинда Бразилия ва Португалия командалари учрашдилар. Кубок иштиёқида ўтган бу учрашувда биргина тўп ғалабани таъминлади. Командага «Мустақиллик кубоги»ни олиб берган тўпни бразилиялик моҳир ўйинчи Жаирзиньо киритди.

ҲАР ТЎҒРИДА

ЖАРИМА РЕКОРДИ

Японияда жарима рекорди яқин вақтларгача 33 миллион иена миқдорида эди. Ленин яқинда бу рекорд янгиланди. Хобеда бўлиб ўтган суд жараёнида жиноятчилар 2,5 миллиард иенадан ортиқрон жарима (салкам 7 миллион доллар)га ҳукм қилинди.

Олтин билан яширин равишда савдо қилувчи йирик халқаро синдикатнинг икки ходими энди ана шу жаримани тўлайдиган бўлиб турибди. Олтин савдогарлари 1965 йил октябридан шу йил февралига қадар Бангкок ва Гонконгдан Японияга оз эмас, кўп эмас — 1,5 тонна олтин олиб келишган. Лекин полициянинг қўлига бу олтинларнинг жуда оз қисми тушди. Агар контрабандистлар мана шу қўлга тушган олтинлар асосида суд қилинганида бунчалик жаримага тушмас эдилар. Уларнинг «пухта» ҳисоб-китоб юритишни бошларига бало бўлди. Гап шундаки, улар ҳамма «операция»ларини махсус шифр асосида алоҳида дафтарга ёзиб боришган. Полиция буни уч ой мобайнида текшириб чиқди. Энди ҳар икки контрабандист рекорд миқдорида жарима тўлаш билан бирга, бири бир ярим йил, иккинчиси икки йил мобайнида каторга қилинадиган бўлди.

МИЛЛИОНЕР ТИЛАНЧИ

Диний ва бошқа маросимларда Карочига 50 мингдаб гадойлар келишади. Статистика уларга берилган хайр-эҳсоннинг ҳисобини юритишга ожиз бўлса-да, лекин гоҳ-гоҳида ана шу мингдаб тиланчилар орасида миллионерлар ҳам учраб туришн хабар қилиб қолинади.

Ҳайдарободдаги тиланчилардан бири қизини турмушга чиқарганида куёвига ҳар бири бир рупиллик бир халта танга пул совға қилди. Тўйга келганлар обдон меҳмон қилиниб, ҳар бир кишига бир донадан тилла танга инъом этилди.

ДЎЛ ҚУРБОНЛАРИ

Югославиянинг Драгаш шаҳри яқинида чунонам дўл ёғдики, бир аср ва ундан ҳам узоқ умр кўрган кексалар ҳам умрларида бунақасини кўрмаганликларини тан олишди. Ҳар бири ўрдан тухумидек келадиган дўл томларни илматешик қилиб юборди, эшикларнинг дабдаласини чиқарди. Дўлдан 17 сигир ва ўнлаб эчки нобуд бўлди.

(«ИЗВЕСТИЯ» газетасидан).

Редактор М. ҚОРИЕВ

ЛОТО СПОРТ

БАХТЛИ РАҚАМЛАР

3, 18, 34, 37, 43, 44

Кишинёв шаҳрида 10 июлда ўтказилган «Спортлото»нинг навбатдаги тиражида юқоридаги рақамларга ютуқлар чиқди.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ

Орган Центрального Комитета Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

Бизнинг адрес ва телефонлар: 700.000 ГСП. ТОШКЕНТ «ПРАВДА ВОСТОКА» КЎЧАСИ № 26, Редактор — 336545, Редактор ўринбосарлари — 337914, 330 683. Масъул секретарь — 334455, Масъул секретарь ўринбосарлари — 337283, Партия турмуши — 333469, 337221, Марксизм-ленинизм назариясини пропаганда қилиш — 331455. Халқаро ҳаёт — 337221 Саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 334780, Совет қурилиши — 333258, Қишлоқ хўжалиги — 337604. Ада биёт ва санъат — 332036. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари —334451, Маҳаллий ахборот ва спорт — 331424. Оммавий ишлар ва хатлар — 332143, 333553, Иллюстрация — 334524, Стенографистка — 337343, Корректура — 337162, Эълонлар — 338142, Коммутатор — 330249, 330250, 330251, 330252, 330253, 330254, 330255, 330256, 330257, 330258. ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ, Андижон — 48—85, Бухоро — 3—31—42, Қарши — 38—42, Нукус — 42—62, Самарқанд —31—972, Термиз — 55—35, Урганч — 54—55, Фарғона — 4—29—44.

Б. — 161. Ўзбекистон Компартияси Марказий Коми тети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри ИНДЕКС 64697. Р. 03528.